Ҳозирги кунда Республика байналмилал маданият маркази 140 дан ортиқ миллий-маданий марказ фаолиятини мувофиқлаштироқда. Марказ фаолияти ҳалқ урф-одатлари ва анъаналари, маросимларини тиклаш, уларни Ўзбекистонда яшовчи ҳалқлар ўртасида тарғиб этишга қаратилган. Шунингдек, бу марказларда ўзбек ҳалқи маданияти, санъати, тили ҳам тарғиб этиладики, бу ҳалқларни яқинлаштиришга, миллатлараро муносабатларни яхшилашга хизмат қиласди. Бу эса жамиятда барча миллат вакиллари ўртасидаги ижтимоий оптимизм даражасини ва Ўзбекистон келажагига бўлган ҳар бир фуқаронинг ишончини янада оширади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мустақил диёrimiz иқтисодий-сиёсий барқарорликка эришаётганида ўз навбатида маънавий янгиланишнинг ҳам ўрни борлиги табиий ҳолдир. Негаки, ҳар қандай жамиятнинг ўз миллий-маънавий қиёфаси бўлмас экан, у жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлолмайди.

Миллий маданиятнинг равнақи ва умумдавлат маданияти даражасига кўтарилишининг омилларидан бири кишиларда, биринчи навбатда, Ватанга бўлган фидойиликни тарбиялаш ва уни бойитиш, мустаҳкамлашдан иборат. Ватанга фидойи-

лик шу заминда яшовчи, шу тупроқда туғилиб вояга етган барча учун, у қайси миллатга мансублигидан қатъи назар барабардир. Киши қайси соҳада, қай кўламда Ватанга ўз фидойилигини намоён қилиши, Ватан ижтимоий тараққиётига қай даражада ҳисса қўшиши кўп жиҳатдан унинг қобилияти, кўникмаси, мафкураси, дунёқараши ва билиму малакаси билан бевосита боғлиқ.

Бу борада барча миллатларда, айниқса, туб бўлмаган миллат вакилларида, уларнинг миллатидан қатъи назар, ёшларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтирувчи тарбия усулларидан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, кўп миллатли муассасаларда Ватанимиз тарихи, урф-одатлари, анъаналари, имкониятлари ва келажагини акс эттирувчи ҳамда тараннум этувчи тадбирларни ўтказиш ижобий самара бериши табиий. Энг асосийси Ўзбекистон Конституцияси билан кафолатланган ва амалдаги мавжуд ҳақ-хуқуқлар ҳар бир миллат кишиси ўзи қилаётган меҳнатининг самараси, баҳтли келажагига ишонч, оилада ҳукм суроётган хотиржамлик, бўш вақтини турмуш ташвишларидан холи ўтказиш, маънавий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ниятларининг мавжудлиги Ватанга меҳр-муҳаббатни янада оширади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Шу тупроқда туғилиб, шу юрга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у бизнинг Ватанимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойик»dir. Шу тамойилга амалда риоя қилинаётганини ҳаётда қўриб турибмиз. Мустақиллик даврида бир қатор миллий-маданий марказларнинг раҳбарлари Ўзбекистоннинг давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат қонун билан мустаҳкамлангани олий ва ўрта таълим 7 тилда олиб борилишида ҳам кўринмоқда.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган муҳим ишлар билан бирга, уларга етарли даражада эътибор бермаслик, назардан қочириш, лоқайд бўлиш нималарга олиб келиши мумкинлигини бошқа мамлакатларнинг аччиқ тажрибасидан яхши биламиз. Шундай экан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш халқимиз онгига шакланаётган миллий мафкура ва миллий формизнинг асосий, амалий мақсадларидан биридир.

Мухтасар қилиб айтганда, оптимизм нафақат эркин халқнинг хусусияти, балки унинг чуқур моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучидир. У миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамловчи миллий-маънавий тараққиётини ривожлантирувчи ҳамда миллатнинг, халқнинг тикланиши учун ижтимоий муҳитни кенгайтирувчи, миллий гуур ва ватанпарварликни мустаҳкамловчи омилдир.

К. ШАДМАНОВ,
заведующий кафедрой иностранных языков
Научно-учебного центра АН РУз,
доктор философских наук

ИСТОКИ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ИСТОРИИ ФИЛОСОФИИ ВОСТОКА

Разработанные философией Возрождения диалектически целостные представления о неразрывном единстве человека и природы, Земли и бесконечного космоса не исчерпаны той конкретно-исторической формой, в которую они были воплощены в творчестве мыслителей XIV—XVII веков. Предложенные ими идеи и конкретные решения принадлежат истории, а поставленные ими проблемы устремлены в будущее. Не случайно в историко-философских исследованиях последних лет, особенно в условиях нового geopolитического видения и пространства, диалектические идеи философии Возрождения обретают новую жизнь, получая новое звучание.

В современном обществе, когда наука и техника приобретают все большее значение в качестве определяющего фактора общественного развития, постоянно возрастает роль научного знания — оно становится необходимостью. Научное знание не только открывает неограниченные перспективы развития цивилизации, но и на основе рационального подхода решает проблему выбора пути, по которому она (цивилизация) может пойти, определяет ее возможности, конкретизирует цели, разрабатывает средства и методы их достижения.

Однако развитие науки в своих основных тенденциях опирается и на то, что называется веками сложившейся культурой, на ее гуманистические традиции и идеалы. Немало-

важную роль в этом сыграла и философия. Начиная с древнейших времен, человек и мир человека были в центре внимания мыслителей. Глубокое понимание того, что именно человек, его потребности, стремления и чаяния должны быть главным смыслом и целью всего общественного развития, утверждение высоких нравственных и духовных ценностей составляют смысл истинно великих эпох, имеющих непреходящее значение для всего человечества.

Исходя из этого, при изучении эволюции философии Возрождения особое значение обретают такие малоисследованные проблемы, как толерантность. Это имеет важное значение, поскольку дает возможность рассмотреть все составные части истории философии не только в их функциональных связях и зависимостях, но и в конкретно-историческом социокультурном контексте с целью адекватного и более полного воссоздания действительного процесса взаимодействия и взаимовлияния учений и идей. Тем самым убедительно доказывается, что художественное познание действительности шло параллельно с ее научным познанием, то есть процесс творчества в плане и философского, и художественного мышления, рассматривается в единой системе культурной деятельности, исторически изменяющейся культурной среды и формируемого ею образа жизни.

Естественно, что при таком подходе выходит на первый план и играет далеко не последнюю роль фактор толерантности.

Особый интерес представляет понимание того, что противоречивость обновления философского сознания не только отражает противоречия обновления жизни народа. Она есть неотъемлемый элемент этой жизни, один из ее первых двигателей. Поэтому проникновение в сущность и тенденцию процессов, совершающихся в философском сознании, представляет собой важную предпосылку глубокого понимания всей совокупности процессов развития общества исследуемого периода в плане сопоставительного изучения культур Востока и Запада.

В этом отношении чрезвычайно интересной и убедительной представляется мысль о том, что одним из малоисследованных духовно-философских источников становления и развития толерантности в истории английской философии яви-

лось все то прогрессивное, что было создано в философии народов Востока. Особенно это касается философской мысли Центральноазиатского региона IX–XIII веков, которая оказалась достоянием Запада XIV–XVII столетия, сумевшего направить развитие этого наследия, особенно достижений восточных перипатетиков, по новому руслу. Именно таким путем те черты культурно-духовной, философской мысли, которые возникли не на арабской почве, были, тем не менее, восприняты и ассимилированы как арабо-мусульманской, так и европейской культурой и философией. Этот вывод составляет особую ценность, так как в контексте общемусульманского и европейского освоения именно эти ценности культурно-духовной и философской мысли, преодолев свою этнотERRиториальную, географическую и временную ограниченность, стали приобретать универсальный характер.

**Н. АБУЛҲАСАН,
Тошкент ислом университети
катта ўқитувчиси**

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ: КЕЧА ВА БУГУН

Юртимизда қадим давлардан турли маданият, тил, урфодат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи ҳалқлар яшаб келган. Жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари устида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан маданий алоқалар қилгани диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган ва ўзига хос турмуш тарзини шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Халқимиз тарихи бағриенглик, ҳамжиҳатлик ва тинчликсеварлик, турли миллат ва дин вакиллари ҳамкорлик ва осойишталикда яшашининг ажойиб намуналари мавжудлигини кўрсатади. Шу боис, Ўзбекистон ҳудудида диний муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмаган. Бундай ҳолатни Ўзбекистондаги ислом, христиан ва бошқа динлар муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай дўстона

муносабатлардан хулоса қилиб, Республика Президенти Ислом Каримов: «Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшashi диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланishiша арзигуликдир», — деб таъкидлайди.

Илмий манбалар Ўзбекистон — илк диний қараш ва тасаввурлар юзага келган энг қадимий ўлкалардан бири эканидан далолат беради. Тешик-Тош форларидағи қадимий қабрлар, Фаёз ва Қора-Тепанинг барельеф топилмалари, Далварзинтепа ва Суғдиёна қолдиқлари ҳамда ҳозирда француз ва япон археологлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар натижалари бундан яққол далолат беради.

Қадим замонларданоқ бизнинг ўлкамизда зардуштийлик, буддизм, яхудийлик, насронийлик каби мураккаб идеологик тизимга айланиб кетган динлар мавжуд бўлган. Кўпгина мутахассислар зардуштийликнинг ватани Марказий Осиё, аниқроғи қадимги Хоразм, деб ҳисоблайдилар. Зардуштийликнинг асосини икки хил вужуд (дуализм) мавжудлиги foяси ташкил қўлсада, унда Ахурамазда ва Анхрамайну, якка худонинг икки хил foяларига хизмат қиласидиган, турли йўналишда фаолият кўрсатадиган, бир-бирига зид мақсадни кўзлайдиган кучларни ифодалайдиган икки ўғли деб ҳисобланади. Аммо худонинг ўзи ягона, муқаддас вужуд сифатида қаралади. Бу ҳолат ўлкада яккахудолик (монотеистик) foянинг келгусидаги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бу даврда Марказий Осиёда буддизм ҳам муҳим ўрин тутган.

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши арафасида бу ерга Эрон орқали Суриядан кириб келган несториан йўналишидаги насронийлик муҳим мавқени эгаллаган. VI аср бошларида Самарқандда несториан епископи, VIII асрда эса несториан митрополити хизмат қиласидиган. Шунингдек, қадимда ҳозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудларида насроний динига мансуб аҳоли ҳам яшаган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, исломгача бўлган яккахудолик foяси Марказий Осиёда мустақил асосга эга бўлган. Истеми-хоқон хукмронлик қиласидиган Фарбий-Турк хоқониятида (552—576 йиллар) «тангри», «худо» сўзлари илоҳийлаштирилган осмон — Олий илоҳ маъносида ишлатилган.

Олий илоҳни «тангри», «худо» сўзлари билан номлаш Марказий Осиё халқлари тилига шунчалик сингиб кетган эдики, Ислом дини кириб келганидан кейин ҳам ерли халқ Аллоҳ номини тилга олганда «тангри», «худо» сўзларини ишлатган ва ҳозирги кунга қадар ҳам ишлатиб келмоқда. Умуман олганда исломга қадар Марказий Осиёда 10 дан ортиқ турли динлар мавжуд бўлган, деб ҳисобланади.

VIII асрда Марказий Осиёнинг араблар томонидан фатҳ этилиши натижасида минтақада исломлаштириш юз берди. Аҳолининг бир қисми ўзларининг қадимги динларига эътиқод қилишда давом этди. Ислом юртимизда яккахудоликни қабул қилишга яхши асос мавжудлиги туфайли Марказий Осиё халқлари томонидан қабул қилинган. Бу ерда ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришиши юз берди. Марказий Осиё халқлари ислом динига маҳаллий диний-ахлоқ foялари, ҳуқуқий нормалари ва урф-одатларини олиб кирдилар. Мовароуннаҳрда бу ҳолат исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига сабаб бўлди.

Х асрда ҳозирги Ўзбекистон минтақасида ўз бафриенглик хусусияти билан ажралиб турувчи ҳанафий мазҳаби қарор топди. Ўша вақтга келиб минтақада шаклланиб улгурган бафриенглик муҳитида бу тасодифий ҳодиса эмас эди.

Илгариги даврларнинг энг яхши ютуқларини ўзига мујассамлаштирган Ўзбекистон маданияти ўз навбатида нафақат ислом маданиятининг кейинги ривожига, балки Farb ренессансига, умумжаҳон миқёсидаги толерантлик тамойиллари ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Демак, юртимиз халқларининг маданий ютуқлари нафақат мусулмон, балки жаҳон маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ана шу даврда яратилган Имом Бухорийнинг «ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўплами (IX аср) замондошлари томонидан анъанавий сунний тўпламларнинг энг яхшиси деб тан олинган ва ҳозирда ҳам бутун дунё мусулмонларининг энг асосий китобларидан бўлиб қолмоқда. Бу китобда диний мутаассиблик, ақидапарастлик учун асос бўладиган foялар йўқлиги ҳам юртимиз тарихида ижтимоий бафриенглик тамойиллари устувор бўлганини кўрсатади.

Ўша даврдаги бафриенглик бир вақтнинг ўзида, бир томондан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби дин аллома-

лари, яъни илоҳий тафаккур эгалари, иккинчи томондан эса, Форобий, Хоразмий, Беруний каби дунёвий билимларни чуқур эгаллаган ва илм-фан қадриятлари устуворлиги гоясини илгари сурган мутафаккирлар ёнма-ён яшаши, ижод қилишлари учун имкон яратган.

XIII асрдаги мӯғул истилоси Марказий Осиёда ислом динининг минтақадаги келгуси ривожи жараёнига ўзгача таъсир кўрсатди. Ўша даврга келиб шаклланган суфий оқимлар номусулмон босқинчиларга қарши халқни бирлаштирувчи омил сифатида намоён бўлди.

Айнан ана шундай диний муҳитда буюк Амир Темур дунёга келди. Темурийлар даврида ислом Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Амир Темур ўз «Тузуклари»да айтадики: «Мен Аллоҳ таолонинг дини ва Муҳаммад шариати ривожига қандай бўлмасин ёрдам кўрсатдим». У исломни фанатизмдан холи, умуминсоний бир эътиқод деб тушунган. Бундай қарап унга ўз ерларидаги бошқа диний конфессияларга ҳам фамхўрлик қилишига имкон яратган. Ушбу жиҳатнинг муҳимлигини таъкидлаб, Франция қироли Карл VI, жумладан, Темурга шундай ёзган: «Сиз жаноби олийларига кўпгина насронийларга кўрсатган эҳтиромингиз, фамхўрлигингиз ва тақдим этилган инъомларингиз учун ўз миннатдорлигимизни изҳор этгаймиз. Биз ҳам Сизнинг одамларингиз фойдасига, имкон бўлса, уларга мувофиқ ёки ортиқроқ муносабатда бўлишга тайёрмиз».

Амир Темурнинг Европа давлатларидағи элчиси бўлмиш архиепископ Иоанн ўзининг «Memoire sur Tamerlan et sa cour» китобида Амир Темур шахсиятини қўйидагича таърифлайди: «Темур ажнабий савдогарларни, хусусан, франк ва насронийларни яхши кутиб олади, уларга бутун юрти бўйлаб хавфсизлик, фамхўрлик ва ёрдам кўрсатади».

Айни шу ҳолат «Темур тузуклари»ни француз тилига таржима қилган Лянглга "хурофтлар ва тарихни нотўғри шарҳлаш Темурни билиш ва қадрлашга халақит қилган", деб ёзишга имкон яратди.

Амир Темур раҳбарлигига бунёд этилган меъморлик ансамбллари ҳанузгача юртимизни безаб турибди ҳамда жаҳон меъморчилигининг асл намуналаридан ҳисобланади. Гўри Амир, Регистон ансамбли, Бибихоним каби меъморий ёдгорликлар Ўзбекистоннинг юксак тарихий қурилиш

маданияти ва санъатининг ифодаси бўлиб қолган. Уларни қуришда турли миллат ва мазҳаб вакиллари ҳам иштирок этганлар.

Улкан маънавий мерос ва бафриенглик анъаналарига эга Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ўзининг динга муносабатини аниқ ва принципиал белгилаб олди.

Республика Конституциясининг 31-моддаси виждон эркинлигини, ўз диний маросимларини тўсиқсиз адо этиш имкониятини, қолаверса, хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки умуман динга эътиқод қиласликни кафолатлади. 1991 йилнинг 14 июнидаёқ мамлакат ҳуқуқий тажрибасида биринчи бор «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Юқорида зикр этилган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида давлат диндорларнинг диний ишларига аралашмаган ҳолда, виждон эркинлигига имкон яратади. Олий хулқли шахсни тарбиялашда диннинг ўрни муҳимлиги тан олинади. Бир вақтнинг ўзида давлат динни сиёсийлаштиришни, экстремистик ва фундаменталистик оқимларнинг вужудга келишининг олдини олиш чоралари нишонлоқда.

Дин арбоблари тотувлик, яхшилик ва ўзаро ҳурмат ўрнатилишига ёрдам беришлари мумкин. Мустақиллик шароитида бизнинг минтақамиизда биринчи бор Тошкент шаҳрида «Ягона осмон остида» шиори остида халқаро мусулмон-насроний конференциясининг ўтказилиши фикримиз далилидир. Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганининг 125 йиллиги тантаналари нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига биноан тантаналарда Марказий Осиёга илк ташриф буюрган Москва ва бутун Рус Патриархи Алексий II иштирок этди. У, жумладан, шундай деди: «Ўйлайманки, Ўзбекистондаги давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги хайрли ҳамкорлик ва сермаҳсул алоқалар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа республикаларига ҳам яхши намуна бўла олади». Ўша йилнинг декабрь ойида эса пойттахтимизда Евангел-лютеран кирхасининг 100 йиллиги нишонланди.

Хулоса қилиб айтганда, ўлкамиз халқлари орасида асрлар оша яшаб келаётган бирдамлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бафриенглик истиқлол йилларида ўзига хос

маъно-мазмунга эга бўлди. Буни кўпмиллатли ва кўпконфесияли юртимизда ирқи, дини ва тилидан қатъи назар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига бўлаётган бир хил муносабат ҳам исботламоқда.

А. АШИРОВ,
ЎзР ФД Тарих институти директорининг
илемий ишлар бўйича ўринбосари,
тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ

Жаҳондаги барча ҳалқлар қатори ўзбек ҳалқи ҳам кириб келган XXI асрга катта ишонч ва умидлар билан қадам қўйди. Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган¹. Айнан мазкур замин фоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган минтақа бўлган. Айнан шу диёр ислом дини ва тасаввуф тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар — Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Бурҳониддин Марғилоний, Имом Мотуридий, Абдухолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Маҳдуми Аъзам сингари улуғ зотларни етишириб чиқарган муқаддас заминдир.

Тарихдан маълумки, Самарқанд шаҳри қадимдан ўзининг тарихий обидалари билан машҳур бўлиши билан бирга ўзига хос зиёратгоҳ шаҳар ҳам ҳисобланган. Ушбу ҳудудда шунчалик кўп қадамжолар ва зиёратгоҳлар мавжудки, бошқа юртларда бунчалик кўп ва машҳур авлиёлар, уламолар, алломаларнинг зиёратгоҳлари ва қадамжоларини топиш амримаҳол. Бу ерда дунёга машҳур алломалар, тарихий шахслар ва давлат

¹ И. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 3-бет.

арбоблари, исломий уламолар номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар, исломгача бўлган диний қаравашлар билан боғлиқ қадамжолар, тариқат вакилларининг қабрлари ва қадамжолари, шунингдек, исломий зиёратгоҳлар билан бирга уларнинг исломгача бўлган ўзаро синкетиклашган кўринишларини учратиш мумкин.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш керакки, муқаддас жойлар турли мамлакатларда мавжуд. Бундай жойларни мавқеига қараб маҳаллий ва мамлакат миқёсидаги муқаддас жойларга бўлиш мумкин. Масалан, Самарқанд вилоятидаги Хўжа Рўшнои, Бибимушкўлкушод, Дониёрбек чашмаси каби зиёратгоҳлар асосан шаҳар аҳолиси томонидан зиёрат қилинадиган маҳаллий муқаддас жойлар бўлса, Шоҳизинда мажмуи, Амир Темур мақбараси, Чўпонота зиёратгоҳи, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳлари умуммамлакат миқёсидаги зиёратгоҳлар ҳисобланган. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги Зангигита, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий, Фарғонадаги Шоҳимардон, Ўшдаги Тахти Сулаймон каби муқаддас жойлар ҳам Марказий Осиё халқлари энг кўп ташриф буорадиган зиёратгоҳлар ҳисобланган. Диншунос олим С.А. Токаревнинг таъкидлашича, ислом динининг кириб келиши ўзи билан янги мафкурани ҳам олиб келган. Натижада Марказий Осиёдаги маҳаллий ибодат маросимлари ўзгаришга учраган. Барча жойда маҳаллий авлиёларга топиниш кенг ёйилган. Гарчанд улар мусулмон номлари билан аталсада, аслида қадимги маҳаллий ҳомий ҳудолар номи билан боғлиқ бўлган¹.

Дарҳақиқат, Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Дониёл, Ҳазрати Довуд, Аработа, Остонабобо, Жўшота, Муротота, Бибимушкўлкушод каби зиёратгоҳлар ҳам пайдо бўлиш тарихига кўра исломдан олдинги пайғамбарлар ва муқаддас қадамжолар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг баъзилари нафақат исломдан аввалги маҳаллий диний эътиқодлар, балки иудаизм, насронийлик каби динларда ҳам қайд этилган. Шу боис, ушбу зиёратгоҳларни турли дин вакиллари эътиқодларидан қатъи назар зиёрат қиласидилар.

Зиёрат одатига кўра зиёратчилар доимо муқаддас даргоҳларга ўзгача тавозе билан муносабатда бўлишган. Зиёрат жараённинг маҳаллий аҳоли ўзларини қийнаётган саволларга жа-

¹ Токарев С.А. Религия в истории народов мира.— М.: 1976. С. 534.

воб топган ва маълум бир вақт дунё ташвишларидан ҳам озод бўлиб, руҳи енгил тортган. Улар азиз авлиёларнинг руҳлари билан гойибона фикрлашишга ҳаракат қилишган. Шунингдек, касал одамлар зиёрат орқали турли хилдаги касалликларига даво истаганлар. Умуман олганда, зиёратдан сўнг одамлар кўпинча руҳий енгиллик сезганлар. Маҳаллий аҳолининг зиёраттоҳ ва қадамжоларга бўлган муносабати шунчалик баланд бўлганки, олдинлари зиёратгоҳлар, мозорлар, қадамжолар олдидан ўтаётган ҳар бир инсон бирор бир транспортда бўлсалар ундан тушган ва ўша зиёратгоҳни зиёрат қилиб сўнгра йўлида давом этган.

Зиёратчилар оммавий равишда зиёратгоҳларга апрель-май ва август-сентябрь ойларида борадилар. Шунингдек, самарқандлик ўзбеклар, тожиклар орасида ҳафтанинг маълум кунлари маҳсус зиёрат қилинадиган кунлар тариқасида белгилаб олинган бўлиб, асосан чоршанба ва шанба кунлари азиз авлиёлар қабрларини, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш энг маъқул кунлар, яъни зиёрат кунлари ҳисобланган. Чунки бу кунлар муродбахш кунлар дейилган. Зиёратчиларнинг асосий қисмини доимо ушбу зиёратгоҳга ўзига хос эътиқоди бўлган кишилар ёки бирор бир қийин вазиятга тушиб қолган, ишлари юришиб кетган вақтда миннатдорчилик ва қолаверса, шукроналик белгиси сифатида келувчилар ташкил қилган. Зиёратга келувчиларнинг кўпчилигини асосан турли миллат ва элатларга мансуб аёллар ташкил қиласди. Самарқанд зиёратгоҳлари бўйича олиб борган кузатувларимиз натижасида шу нарса маълум бўлди, ушбу худудда жойлашган барча зиёратгоҳларга келувчи зиёратчи аёллар миллати, келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, зиёратгоҳ ҳовлисига киришларидан олдин ушбу зиёратгоҳга ҳурмат юзасидан бошларига рўмол ўрайдилар.

Зиёратгоҳларда бажариладиган кўплаб расм-русларнинг таҳлили шундан далолат берадики, кўплаб удумларнинг ке-либ чиқиши исломгача бўлган эътиқод ва қарашлар билан боғлиқдир. Жумладан, мақбара ёки қабрни айланишда аф-сунгарлик кўринишлари билан ушбу ердаги барча азиз авлиёлар руҳига эътиқод, яъни анимизм изларини, қабрлар

ёки зиёратгоҳдаги бошқа буюмларни тавоғ қилишда ушбу ерда ётган азиз авлиёлар билан гайритабиий алоқа, мулокотга интилишни, турли латталар боғлашда эса нафақат назр-ниёз қилишни, балки зиёратчи билан эътиқод объекти ўртасидаги афсунгарлик алоқасини, қурбонлик қилишда, яъни ушбу зиёратгоҳга бағишилаб қўй ва сигир, хўроз, турли паррандалар сўйиш одати ҳам исломдан аввалги эътиқодий қарашлар билан боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё ҳудудида ислом дини кириб келгунга қадар ҳукмронлик қилган шомонлик, зардустийлик каби диний эътиқодлар ва турли хилдаги диний қарашлар бугунги кунда расман барҳам топган бўлса-да, лекин уларнинг излари кўплаб маросим, айниқса, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар билан боғлиқ турфа хил урф-одатлар ва расм-русларда ҳамда ушбу зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашларда сақланиб қолганини кўришимиз мумкин. Биз зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлардаги қадимги диний эътиқодлар изларини ўрганиш орқали дастлаб ушбу ҳудудда ислом кириб келгунга қадар ҳукмрон бўлган динлар ва диний қарашларга оид янги маълумотларга эга бўлишимиз, шунингдек, диний қарашлар тизимида бир диннинг иккинчи бир дин билан ўрин алмашиши жараёнидаги маълум бир қонуниятни таҳлил қилишимиз мумкин. Бундан ташқари, зиёратгоҳлар ва қадамжоларни ўрганиш орқали ўлкада ислом динининг ўзига хос маҳаллий (миллий ва ҳудудий) кўринишлари намоён бўлади.

Самарқанд ҳудудидаги баъзи зиёратгоҳлар ҳам маълум бир касбдаги, яъни савдогарлар, ҳунармандлар, тўқувчилар, шунингдек, дехқонларнинг пири ҳисобланган. Исломий қарашларга кўра, Фаришта Азроил инсонлар жонини олиш вазифасини бажарса, фаришта Жаброил барча ҳунарларнинг яратувчиси ҳисобланган. Бундан ташқари, ҳар бир ҳунарнинг ўзига хос ҳомий пирлари ҳам бўлган. Жумладан, ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом ер юзида дастлаб қўлига болта олиб биринчи кемани ясагани боис дурадгорлар пири, Дониёл пайғамбар эса совунгарлар ва тўқувчилар пири, Ҳазрати Хизр дехқончилик ва қут-барака келтирувчи ҳомий куч, Момо Ҳавво ва Анбар она доялар пири ҳисобланган. Вилоят ҳудудидаги Нуробод тумани Оқсой қишлоғидаги ҳазрати Довуд қадамжоига кўпроқ касблари темир билан боғлиқ бўлган одамлар, темирчилар,

ҳайдовчилар, чиланглар, заргарлар келганлар. Чунки халқона тасаввурга кўра ҳазрати Довуд алайҳиссалом темирчилар пири дейилган. Самарқанд шаҳридаги Дониёл пайғамбар зиёратгоҳига кўпроқ совунгарлар ва тўқувчилар келишган, Чўпонота зиёратгоҳига эса чорвадорлар кўпроқ келганлар. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу пайғамбар ва авлиёлар ўша касбларнинг пири ҳисобланар экан. Шунинг учун бу зиёратгоҳларга кўпроқ маълум бир касбга алоқадор бўлган одамлар, миллати ва элатидан қатъи назар, оиласлари билан доимий равишда боришган. Улар асосан янги иш бошлашаёт-гандарида ўзлари билан пирларга атаб турли ҳайвонлар олиб келиб, қон чиқариб қурбонлик қилиб, зиёрат амалларини бажарганлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиё, жумладан, Зарафшон воҳаси ва Самарқанд шаҳри ҳудудидаги азиз авлиёлар қабрлари ва муқаддас қадамжолар асосан зиёрат маскани бўлиши билан бирга баъзида турли миллат ва элат вакиллари ўзаро алоқа қилувчи, бир-бирлари билан ўзаро муносабат ўрнатувчи жой ҳам ҳисобланган. Кўплаб самарқандликлар ҳафтанинг ҳар чоршанба куни катта ихлос билан борадиган «Бибимушкулкушод», «Хўжа Рўшнои» ва «Дониёрбек чашмаси» зиёратгоҳларида ўзига хос этнослараро муносабат акс этган. Зиёратчиларнинг аксарият қисмини шаҳарлик ўзбеклар, тожиклар, эронийлар ва бошқа халқлар вакиллари ташкил этади. Ҳар бир фуқаро оиласда ёшлигидан зиёратгоҳларга ижобий муносабатда бўлиш руҳида тарбияланган. Зиёратгоҳлар кишилар онгиди эзгулик манбай, ҳар бир халқ вакилини меҳр-муруватга чорловчи муқаддас жой взифасини ўташи билан бирга, айнан шу ерларда ўзига хос диний бағрикенглик ҳам ёрқин намоён бўлган.

**И. МИРЗИЯТОВ,
старший преподаватель Ташкентского
исламского университета**

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И ДУХОВНАЯ ИНТЕГРАЦИЯ РАЗЛИЧНЫХ ЭТНИЧЕСКИХ ГРУПП В СОВРЕМЕННОЕ УЗБЕКИСТАНСКОЕ ОБЩЕСТВО

Сегодня мир претерпевает глубокие изменения. С одной стороны, усиливается экономическая интеграция и взаимозависимость, идет активная миграция населения, происхо-

дят качественные перемены в социальной структуре общества. С другой стороны, одновременно и интенсивно происходят процессы национальной дифференциации и интеграции. В этом процессе сохраняются и усугубляются противоречия, которые могут способствовать возникновению межнациональных конфликтов в различных уголках мира. В условиях глобализации эти явления, выходя за рамки национальных границ, могут угрожать одновременно всей планете.

Поэтому создание устойчивой системы межнациональных отношений, способной противостоять различным угрозам, является одним из приоритетных направлений в обеспечении мира и прогресса как на всем земном шаре, так и в отдельно взятой стране.

Это относится и к многонациональному Узбекистану. Свыше 80% населения республики составляют узбеки. Одновременно, наряду с титульной нацией, в стране проживают представители более 130 наций и народностей.

Каких результатов мы добились за прошедшие годы в области межнациональных отношений, в интеграции различных этнических групп в наше преобразующееся общество? Какие задачи стоят перед нами, каковы пути их решения?

Эти вопросы требуют серьезного внимания и рассмотрения. В первую очередь, необходимо подчеркнуть, что за годы независимости установилось равноправие и сотрудничество, укрепилось взаимопонимание и взаимоуважение между представителями различных наций и народностей, проживающими в нашей стране, основанные на приоритете прав и свобод человека.

В этом большая заслуга и толерантности, присущей нашему народу, которая имеет глубокие корни в нашей истории. Учитывая это, Президент Республики И.А. Каримов подчеркивает, что «эти замечательные качества, прежде всего, толерантность, которые так необходимы в нынешнем сложном и неспокойном мире, играют важнейшую роль во всех сферах жизни, в нашем поступательном движении на пути построения демократического общества»¹.

¹ Каримов И.А. Участникам торжественного собрания, посвященного 10-летию образования Республиканского интернационального культурного центра. // Народное слово, 16 января, 2002.

В общественном сознании утвердилось понимание культурного, религиозного и языкового многообразия как естественного человеческого достояния.

Независимо от национальной принадлежности каждый гражданин Узбекистана на основе равноправия активно участвует в экономической, политической и культурной жизни общества.

Закрепленное в Конституции страны положение о том, что «Все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения», создало политico-правовую основу для достижения равноправия представителей различных наций. Кроме того, большое значение имела последовательная национальная политика Руководства государства, направленная на обеспечение уважения языка, традиций, обычаяев и культуры различных наций и народностей, создание необходимых условий для их развития, запрещение деятельности организаций, пропагандирующих социальную, национальную, расовую и религиозную вражду, направленной против конституционных прав и свобод граждан.

Сегодня существуют все возможности для дальнейшего укрепления достигнутых успехов, активизации участия граждан, независимо от национальной принадлежности, в политической и социальной жизни страны. В чем это выражается?

Прежде всего, нужно подчеркнуть, что главной предпосылкой этому является твердая воля Президента Республики Узбекистан в вопросе последовательного продолжения политики, направленной на дальнейшую гармонизацию межнациональных отношений.

Стремление граждан к построению правового государства и гражданского общества, а также рост национального самосознания, происходящий среди представителей различных наций и народностей, живущих в нашей стране, их стремление к сохранению и дальнейшему развитию национально-культурного своеобразия также являются важным источником приумножения этих достижений.

В то же время следует учитывать существование таких, угрожающих безопасности и стабильности в нашей стране,

внешних факторов, как корыстные геополитические интересы, влияние различных идеологических полигонов, деятельность международного экстремизма, терроризма и организованной преступности, влияние межнациональных и межконфессиональных конфликтов, происходящих в мире.

Значит, с одной стороны, опираясь на существующий положительный потенциал, а с другой стороны, предотвращая влияние внешних негативных факторов, нужно продолжать преобразования, служащие углублению гармонизации межнациональных отношений. При этом необходимо обратить особое внимание на решение следующих задач.

Большое значение имеет всемерное развитие чувства патриотизма на основе действенной пропаганды идей межнационального согласия и сотрудничества, укрепления духа межкультурного общения и совершенствования культуры межнационального общения. В этом деле особое значение имеет стимулирование инициатив национально-культурных центров.

Кроме того, необходимо продолжить всемерную поддержку изучения различными этническими группами своей истории, традиций, языка, культуры, их стремления к сохранению и развитию собственного духовного наследия.

Решение этих и ряда других актуальных задач требует системного подхода и осуществления ряда конкретных мер. Их последовательное решение служит укреплению социального и национального единства, оптимизации процесса интеграции различных этнических групп в современное узбекистанское общество, строящее правовое государство и гражданское общество, основывающееся на социально ориентированной рыночной экономике.

**Э. ИБРАГИМОВ,
Тошкент ислом университети
катта ўқитувчиси**

ЎЗБЕКИСТОН –ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИК ЎЛКАСИ

Халқимиз менталитетининг шаклланишида тарихий тажриба, анъаналар муҳим аҳамият касб этган. Айни шу заминда минг йиллар давомида маданиятлар бир-бирини бойитган, турли миллат, турли дин вакиллари сабр-тоқат билан бағриенгликда ҳаёт кечирган.

Ушбу тажрибага асосланган, инсон хуқуqlари, демократия, Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатлари, халқи-

мизнинг эркесевар тафаккур тарзи ва руҳиятига мос ҳолда бугунги кунда юртимизда тинчлик, осойишталиқ, сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, маданиятларнинг уйғунлашуви таъминланмоқда.

Кўпконфессияли Ватанимизда диний бағрикенгликнинг таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Диний бағрикенглик хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб фоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатади. Ҳозирда бу фоя эзгулик йўлида нафакат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир¹.

Жамиятда диний бағрикенгликнинг мавжудлиги давлатнинг барча дин ва диний йўналишларга teng муносабатда бўлишини ҳам англатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бирор дин ёки конфессионал жамоанинг бошқалар билан teng ҳуқуқлилик асосида ҳаёт кечиришини ифодаловчи бу тушунча виждан эркинлиги ҳуқуқининг ажralmas қисми ҳисобланади.

Дин эркинлигини тан олиш ва унинг амал қилиши учун шароит яратиш эзгу иш ҳисобланиб, диний манбаларда бунга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ўзга дин вакилларига нисбатан муносабат ва диний эътиқод эркинлиги масалаларида асосий манба бўлган Қуръони каримнинг «Кофирун» сураси 6-оятида «Сизга — ўзингизнинг динингиз, менга — ўзимнинг диним»², — деб таъкидлангани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз ҳудудида зардуштийлар билан бир қаторда буддавийликка эътиқод қилувчилик ҳам яшаганлар. Милоднинг биринчи асрларидан бошлаб, Самарқанд ва Бухорога кириб келган яҳудийлар жамоалари вакиллари ҳозирга қадар ўз динларига эркин эътиқод қилиб келмоқдалар.

Асрлар давомида турли дин вакилларининг бир заминда ҳаёт кечириши, улар орасида ихтилофлар кузатилмагани юр-

¹ Миллий истиқлол фояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳи тажрибий лугат). — Т.: «Янги аср авлоди», 2002, 36-бет.

² Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. (Таржимон А. Мансуров) — Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаси, 2004. 42, 402, 603-бетлар.

тимиз халқлари менталитетида азал-азалдан диний бағрикенглик руҳи устувор бўлиб келганига далил бўла олади. Диний қарашлари турлича бўлса-да, уларни Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги фоялари ўзаро ҳамфирлиқ ва ҳамжиҳатликда фаолият юритишга ундаган.

Кўп миллатли Ватанимизда динлараро муносабатлар ҳамиша ўзаро ҳурмат асосига қурилганини мусулмонлар ва насронийлар ўртасидаги алоқалар тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Илмий адабиётларда Марказий Осиёга христианлик III асрларда кириб келган деб талқин қилинади. Бу Эронда мазкур дин вакилларининг таъқиб қилиниши ва уларнинг бошқа худудларга кўчиб ўтиши билан боғланади. Эрон шоҳи Шопур I (241–272 йиллар) асир олинган Рим аскарларини шарқий ерларга жойлаштирган. Улар орасида насронийлар ҳам бўлган.

Баъзи ёзма манбаларда 334 йилда Марвда епархия фаолият кўрсатгани қайд қилинади. Бу Марвда христианларнинг 334 йилдан аввалроқ пайдо бўлгани ва йирик жамоалари шаклланганидан далолат беради.

Шундай қилиб милоднинг илк асрларида ёқ Марказий Осиё, айниқса, Марв ва Бақтрияга асосан несторианлар кириб келган бўлса-да, улар орасида православ маликоийлари, ҳарбий Сурия черкови йўналишига мансуб ёқубийлар ҳам бор эди. Марвлик епископлар Шарқий Черковда катта эътибор қозонганлар ва Черков соборларида иштирок этганлар¹.

Араблар ушбу худудларга кириб келганларидан сўнг христиан жамоаларининг фаолияти аста-секин заифлашган. Туркистонга христианларнинг иккинчи дафъа кириб келиши ўлканнинг Чор Россияси томонидан истило қилиниши билан боғлиқ. Умуман, православ черковлари XIX асрнинг 40-йилларидан эътиборан фаолият кўрсата бошлаган. Минтақага рус армияси билан бирга полк руҳонийлари ҳам келганлар. Энг содда ибодатхона ҳарбий отряднинг кўчма черкови бўлиб, у чодир ёки вақтинчалик қурилган биноларда фаолият кўрсатган. Ибодатхона анжомларини руҳоний ўзи билан олиб юрар, отряд тўхтаган жойда вақтинчалик ибодат уйи очар эди.

Ҳарбийлар ва ўлка бошқарув идоралари ходимлари билан бир қаторда Россиянинг марказий минтақаларидан камбағал, ерсиз дехқонлар кўчиб келиши ҳисобига ўлкамиздаги право-

¹ Журнал «Восток Свыше» — Т.: 2002. №3. С. 23.

славларнинг сони ортиб борди. Ана шу жараёнлар таъсири натижасида Марказий Осиёда муқим православ черковлари ҳам қурила бошлади. Уларнинг биринчиси 1847 йилда Сирдарё вилоятидаги Раим истеҳкомида қурилди¹. Шундан сўнг Авлиё ота (1866), Жулек ва Мерке (1866), Туркистон (1866), Чиноз (1868), Ўратепа (1867), Тошкент (1865), Чимкент (1868), Жиззахда (1866) православ жамоалари ташкил қилиниб, уларда ҳарбий руҳонийлар доимий фаолият олиб бордилар. Сўнгра Зарафшон округига қарашли Самарқанд ва Каттақўргонда ҳам жамоалар шаклланди². Шуни қайд қилиш керакки, ўша даврлар гувоҳи иероманах Харитоннинг таъкидлашича, маҳаллий аҳоли томонидан кўчиб келаётган христиан мусофиirlарга ёрдам кўрсатилмаганида, уларнинг кўпчилиги очлик туфайли ҳаётдан кўз юмган бўлар эди³.

Туркистон ерларига кириб келган Рус православ руҳонийлари асосий эътиборни миссионерлик фаолиятига эмас, балки ўз жамоаларининг диний эҳтиёжларини қондиришга қаратганлар. Православлар черков қурганларида маҳаллий мусулмон аҳоли ҳам ёрдам кўрсатгани маълум. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги «Муқаддас Георгий» ибодатхонаси қурилишига маҳаллий имом ва савдогарлар мөддий эҳсон қилганлар. Бу ҳолат ушбу динлар вакиллари орасидаги ўзаро хурмат ўша даврлардан шаклланганига далил бўла олади.

Шўролар даврига келиб, большевиклар томонидан мусулмонлар ҳам, бошқа дин вакиллари ҳам бирдек таъқибга учрадилар. Россиядан Марказий Осиёга кўплаб православ руҳонийлари бадарға қилинди. Биргина Тошкентдаги «Боткин» қабристони ортида 3 мингга яқин сургун қилинганлар жойлаштирилган бўлиб, баъзи гувоҳларнинг таъкидлашича, деярли ҳар куни мусулмонлар келиб, уларга озиқ-овқат ва кийим-кечак тарқатганлар. Шундай ҳолатлар ҳам маълумки, баъзан мусулмонлар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, православларни таъқибдан сақлаб қолганлар. Биргаликда бошдан кечирилган азоб-уқубатлар инсонларни янада жипслаштириди.

Ўзбекистон мусулмонлари ва православлари ўртасидаги муносабатлар йиллар синовидан ўтиб, бугунги кунда ҳам муваффақиятли ривожланмоқда.

¹ К истории христианства в Средней Азии (XIX—XX вв.).— Т.: 1998.— С 15.

² Яковлев В.А. Из церковной жизни Туркестана. — Верный, 1902. — С. 6—9.

³ Архиепископ Владимир. А друзей искать на Востоке.— Т.: 2000. — С. 42.

Бунинг исботини турли мисолларда кўриш мумкин. Жумладан, 1995 йилда Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташаббуси билан «Ягона осмон остида биргалиқда яшайлик» деб номланган халқаро христиан-мусулмон конференцияси ўтказилди. Шунингдек, 1996 йилда Епархия ташкил этилганининг 125 йиллиги, 2001 йилда 130 йиллик юбилейлари нишонланди. Ушбу анжуманларга хорижий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар Ўзбекистонда ислом ва православлик бутун дунёга намуна бўла оладиган ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини эътироф этдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, этник, маданий ва диний бафриенглик ва очиқ кўнгиллик ўзбек халқининг менталитетига хос муҳим хусусият сифатида тарихнинг турли синовлари таъсири остида тобланиб, мустаҳкамланиб борган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё гоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинчтотув яшаган марказ бўлиб келган. Этник сабр-тоқат, бафриенглик ҳаёт бўхронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди», — деган фикрлари ҳам ана шундай хулоса чиқариш имконини беради.

**Г.А. АГЗАМОВА,
ЎЭР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими,
тарих фанлари доктори**

ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ: БАФРИЕНГЛИККА ОИД БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

Ўзбекистонда қадимдан яшаб келган ва тарихий тараққиётнинг турли босқичларидан ўтган аҳоли ўзининг бафриенглиги билан алоҳида ажralиб турган. Қадим замонларда бу ҳудуддан ўтган турли карвон йўллари — ложувард йўли, шоҳ йўли ва эрамиздан аввалги II асрдан «Буюк ипак йўли» номи остида машҳур бўлган, Шарқ ва Фарбни бοғлаган карвон йўллари тизими диний эътиқодлари, келиб чиқиши, дунёқараси хилма-хил бўлган турли маданият соҳибларини бир-бири билан яқинлаштирган. Бу йўллар орқали фаол ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатган аждодларимиз қадимдан

Ўрта Осиё ҳудудига яхши ният билан кириб келган хорижий савдо аҳли, ҳунармандлар, олимлар, шоирлар, маданият намояндаларига нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлганлар. Бу анъана мураккаб ва қарама-қаршиликларга бой тарихнинг барча босқичларида Ўзбекистон аҳолисини тавсифлайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири вазифасини ўтаган. Буни XVI—XIX асрларнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёдаги учта йирик сиёсий субъект — Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонликларига оид тарихий маълумотлар орқали яққол кузатиш мумкин. Маҳаллий аҳоли билан бир қаторда Ўрта Осиё хонликларида диний эътиқодлари турлича бўлган ҳар хил миллат вакиллари истиқомат қилганлар ва ўрта аср жамияти тараққиётига баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ўрта Осиё хонликлари марказларида тақдир тақозосига кўра савдо ишлари билан, маърифат ва илм излаб келган, шунингдек, баъзи сиёсий сабабларга кўра келиб қолган, турли миллат вакилларини учратиш мумкин эди. Шу билан бирга, бошқа мамлакатлардан келган элчилар, сайёҳларни ҳам кўплаб учратиш мумкин эди. Кўп ҳолларда улар Ўрта Осиё шаҳарларида узоқ муддат давомида истиқомат қилганлар ва ўз фаолиятлари билан эркин шуғулланиш имконига эга бўлганлар.

Манбаларда таъкидланишича, хонликлар марказларида ги савдо аҳлининг бир қисмини бошқа мамлакатлардан келган савдогарлар ташкил қилган. Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларида савдо ишлари билан бу ерларга келиб қолган ҳиндлар, афғонлар, руслар, татарлар, форслар ва бошқа халқлар вакилларини учратиш мумкин эди. Улар бу марказларда ўз фаолиятлари билан эркин шуғулланиш имкониятига эга бўлганлар.

XIX асрда Бухорода бўлган руҳоний Будрин шаҳар ҳақида ёзар экан, «Ҳаммаси деярли савдогар бўлган ўз аҳолисидан ташқари, бу ерда қўшни давлатлардан келган савдогарлар жуда кўпdir. Бозорларда, расталарда ва кўчаларда доимо, айниқса эрталаблари жуда тиқилинч бўлади», — деб қайд этган эди¹. 1840 йилда инглиз сайёҳлари Аббот ва Шекспирларни Ҳиротдан Хивага кузатиб келган афғонистонлик Мирзо Абду Самад Мамед Алиев бозорда турли нарсаларни сотаётган «Юртдош-

¹ Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца) // Турк. сб. Сб.: 1880. Т.: 239. — С. 22.

ларимни, ҳиротликларни кўрдим», — деб гувоҳлик беради¹. Айрим мамлакатларнинг савдогарлари Ўрта Осиё шаҳарларида ўз иш бошқарувчиларига эга эдилар. Шундай шахслардан бири ҳақида сибирлик казаклар Милиюшин ва Батаришкинлар хабар берадилар. Уларнинг маълумотига кўра, XIX аср ўрталарида Тошкентда рус савдогари Зубовнинг иш бошқарувчиси Семён Ключарев бўлиб, у бу ерда «Семён-бой» номи остида «машхур ва хурмат қозонган» эди².

Маҳаллий аҳоли, хусусан, савдо аҳли қўшни мамлакатлар, узоқ-яқин шаҳарлар аҳолисига хайриҳохлик билан қараган. Уларга хонликлар марказларида нафақат ўз фаолияти билан шуғулланиш, балки бу ерларда уй-жой қилишларига ҳам монелик кўрсатмаганлар. Шундайлардан бири ҳақида XIX аср бошида Ўрта Осиёга келган ҳиндистонлик Мир Иззат Улла хабар беради. У Бухорога келгач, мен «тошкентлик савдогар Қорабош бойникида тўхтадим, — деб ёзар экан, — унинг укаси Шоҳ Муҳаммад бой билан Қашгарда танишган эдим»³, — деб қайд этади. Ўрта Осиё хонликларида мавжуд бафрикенглик жамият ҳаётининг турли соҳаларига, жумладан, иқтисодий ҳаётига ҳам сингиб кетган эди. Бу хонликларнинг иқтисадий тараққиёти ва шаҳарлар структурасида муҳим ўрин тутган бозорлар, карvonсаройлар мисолида яққол кузатиш мумкин.

Бозорларга бой марказлардан бири Тошкент шаҳри эди. Шаҳар бозорлари бошқа Ўрта Осиё шаҳарларида кузатилгани каби бирор турдаги маҳсулотни сотишга ихтисослашган эди. Нур Муҳаммад Алимов кўрсатмасидан аён бўладики, Тошкентда ҳар бозорда бир хилдаги мол сотилган. Жумладан, пахта, ипак, этик, ипак парчалар турли бозорларда сотилган⁴. Бу маҳсулотлар кўп ҳолларда ушбу бозорнинг номини белгилар эди. Ушбу маълумотларнинг диққатга сазовор томони шунда-

¹ Галкин М.Н. Показания Афганцев и Туркмен, сопровождавших в 1840 г. английских путешественников Аббота и Шекспира из Герата в Хиву и оттуда на Каспийское море... — С. 103.

² Показания сибирских казаков Милиюшина и Батарышкина, бывших в пленау у кокандцев с 1849 года по 1852 год// Вестник ИРГО. 1856. Т. 17(II). — С. 28.

³ Путешествие Мир Иззет Уллы от границы Кокандского ханства до города Самарканда //Тр. САГУ. Нов. сер. Вып. ХС. Ист. — Кн. 14. Сер. История. — Т., 1957. — С.198.

⁴ Рассказ карты Нур-Мухамета, записанный в марте 1735 года в оренбургской экспедиции, о киргизских ханах, городах Ташкент, Туркестан и разных других предметах// Материалы по истории России.— Оренбург, 1900. — С. 85.

ки, Тошкент бозорлари ичидаги нафақат маҳаллий аҳоли, балки кўчманчи дашт аҳли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи бозорлар ҳам мавжуд бўлган. Улар жумласига қўшни дашт аҳолиси эҳтиёжини қондириш учун олача, йўл-йўл чит, бўз, пўстинлар, белбоғ, рўмол билан савдо амалга ошириладиган қозоқ савдогарлари бозори, кўчманчи аҳоли томонидан чорва моллари билан бир қаторда етказиб берилган тери маҳсулотлари билан савдо амалга оширилган кўн бозори, на мат, қамчин, арқон, қоп, эгар-жабдуқ, хуржун ва камарлар билан савдо қилинувчи кигиз бозори, қўй бозори ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларда маҳалий аҳоли билан биргаликда қозоқлар ва бошқа миллат вакиллари савдо билан эркин шуғулланиш имконига эга бўлганлар.

Хорижий савдогарларнинг хонликларда тўхташи, мунта зам яшаб туриши ва ўз молларини сақлаши учун зарур бўлган карvonсаройлар ҳам Ўрта Осиё шаҳарларида қўп эди. Хорижий савдогарлар одатда қайси мамлакатдан келганликларига қараб маълум карvonсаройларда яшаганлар. Хонликларга савдо ишлари билан келиб тўхтаган хорижий савдогарларнинг катта қисмини ҳиндлар ташкил қиласидар эди. Инглиз А. Борнснинг ёзишича биргина Бухоро шаҳрида XIX асрнинг биринчи ярмида 300 нафар атрофида ҳинд яшаган¹. Улар Бухородаги — Ҳинди, Бадриддин, Қушбеги, Мирзачўл, Хўжа Жуйбор саройларида, Тошкентдаги Ширин Ҳожа Раис саройида тўхтаганлар. Самарқанд карvonсаройларидан бири ҳам ҳиндларга тегишли эди. Рус ва татарларнинг савдо вакиллари ҳам шаҳарларда алоҳида карvonсаройларда яшар эдилар. Улар Бухородаги — Аёз, Нўғой, Филхона, Қулюта саройларида, Кўқонда эса «Закот саройи»да яшаганлар. Баъзи шаҳарлардаги карvonсаройларнинг айримлари яхудийларга тегишли бўлган. XIX аср маълумотларига биноан Тошкент карvonсаройларидан бирига яхудийлар эгалик қилган ва у «Яхудийлар карvonсаройи» номи билан маълум бўлган. Шу асрнинг 40-йилларига оид маълумотларга кўра, Қаршидаги учта карvonсаройдан бири яхудийларга тегишли бўлиб, бу ҳақда шу давр муаллифи

¹ Борнс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря с подарками Великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятое ... в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом ост-индской компанейской службы Александром Борнсом. — М.: Университет. тип., 1848—1849. 1848. Т.П. — С. 407—408.

шундай ёзади: «Шаҳарда карвонсаройлар учтадир, лекин уларнинг иккитасигина шаҳарга келадиган карвонларга хизмат қиласиди, учинчиси эса яҳудийлар томонидан сотиб олинган ва эгаллангандир».

Карвонсаройлар хорижий савдогарлар тўхтайдиган ва ўз молларини сақлайдиган жойгина бўлиб қолмай, уларда бაъзи ҳолларда тақдир тақозоси билан хонликларга келиб қолган ҳамда маълум маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий хунармандлар ҳам яшаганлар. И.В. Виткевичнинг кўрсатишича, XIX асрнинг 30-йилларида Бухородаги Нўғой саройида Россиялик татарлар яшаганлар ва «кўп вақтларини очиқ ҳавода» пойафзал тикиш билан ўтказганлар. Шу муаллифнинг қайд қилишича, шаҳардаги Филхона саройида ҳам татар хунармандлари — кафшдўзлар яшаганлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар.

Бу даврда устувор бўлган бағрикенгликни жамият ҳаётининг ажралмас қисми — маданият соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Ўрта Осиё хонликлари унинг йирик маданият марказларида турли ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра ўз ватанини тарк этган қўшни мамлакатларнинг шоир ва ёзувчилари, олимлари қўним топганлар. Бу марказларда аҳолининг саводхонлигини ошириш мақсадида масжидлар ҳузурида ташкил этилган мактаблар, аҳолининг илмга ташна вакиллари учун очилган кўпдан-кўп мадрасалар мавжуд бўлиб, улар илм-фан ўчоқлари вазифасини ўтаганлар. Мадрасаларда нафақат ушбу шаҳар, балки қўшни қишлоқ ва шаҳарлар, бошқа хонликлар, дашт ва хорижий юртлар аҳлининг илмга ташна вакилларини кўплаб учратиш мумкин бўлган. Бу ҳолатни турли асрларга оид маълумотлар орқали қузатиш мумкин. Жумладан, Зайниддин Восифий 1504 йилда Самарқандда содир бўлган қаҳратон қиши воқеалари баёнида «ўнта хуросонлик талаба» ҳақида маълумот беради¹. Н.Ханиковнинг кўрсатишича, XIX нинг 40-йилларида Бухорода амир рўйхатида кўрсатилган 103 та мадраса бўлиб, улардан 60 таси энг катта ҳисобланган. Улардан Кўкалдош, Мирзо Улугбек, Заргарлар, Турсунжон, Хиёбон,

¹ Болдырев А.Н. Мемуары Зайн-ад-дина Васифи, как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV-XVI веков // Тр. Отд. истории, культуры и искусства Востока Гос. Эрмитажа. 1940. Т. II. — С.226.

Говкушон мадрасалари энг машхур бўлган¹. Шу асрнинг бошқа бир муаллифи инглиз А.Борнс эса шаҳарда 366 та катта ва кичик мадрасалар бор деб кўрсатар экан, мадрасалар толиблари орасида «Эрондан ташқари ҳамма мамлакатлар кишиларини учратиш мумкин. Улар етти ёки саккиз йиллик ўқув курсини тутатиб, ўз ватанларига билим захираси ва машҳурлик билан қайтадилар»², — деб қайд этган эди.

XIX асрнинг 20-йилларига оид маълумотларга кўра, Бухорда Россия фуқаролари бўлган 3000 га яқин татарлар бўлиб, уларнинг 300 таси ислом асосларидан таълим олиш учун бу ерга келишгани қайд этилган. Хонликлардаги бағрикенгликни аҳолининг муайян қисмини ташкил этган бошқа халқларга нисбатан муносабат, уларнинг эркин яшаси, ўз динларига эътиқод қилишлари учун яратилган шарт-шароитларда ҳам кузатиш мумкин. Амирликда яшаган аҳолининг бир қисмини Бухоро яҳудийлари ташкил қилган. Улар қозоқлар, қорақалпоклар, форслар, афонлар ва бошқа халқлар вакиллари билан бир қаторда ўз фаолияти билан амирлик иқтисодининг ривожланишига хизмат қилганлар.

XIX асрнинг 30-йилларига оид маълумотларга кўра яҳудийларнинг Бухоро амирлигидаги сони 4 минг атрофидан бўлган³. Улар мамлакатнинг турли ерларида — Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши ва бошқа ерларда истиқомат қилганлар. Яҳудийларнинг энг катта қисми Бухорода яшар эди. XIX асрнинг 20-йилларига оид маълумотларга кўра яҳудийларнинг Бухорода 800 та, Шаҳрисабзда 30 та, Самарқандда 10 та хонадони бўлган⁴. Шу билан бирга яҳудийларнинг сони мунтазам ўсиб борганини ҳам қайд этиш лозим. Жумладан, XIX асрнинг 60-йилларига келиб биргина Самарқанд шаҳрида уларнинг умумий сони 1000 кишидан ошар эди⁵.

Яҳудийлар амирлик шаҳарларида алоҳида кварталларда яшаганлар. Хусусан, амирликда бўлган Е.К.Мейендорфнинг қайд этишича пойтахт Бухорода яҳудийлар шаҳардаги учта

¹ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства — Спб. Тип. Акад. Наук, 1843. — С.85—86.

² Борнс А. Путешествие в Бухару... 1848-1849. Ч. II. — С.431.

³ Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середина XIX в.).— М., 1958. — С. 127.

⁴ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. — М.: Наука, 1975. — С.95.

⁵ Евреи в Самарканде (Из отчета г. Радлова о поездке его в Зерафшанский край летом 1868 г.) // Туркестанский сборник. Т. 23. — С. 91.

кўчада яшаганлар. Самарқандда ҳам яхудийларнинг алоҳида «яхудийлар квартали» мавжуд бўлган¹. Амирикда яшаган яхудийлар, асосан, турли ҳунарлар, хусусан, тўқимачилик, бўёқчилик билан шуғулланганлар. Шунингдек, улар ипак қурти етиштириш билан ҳам машгул бўлганлар ҳамда ўз соҳаларида муайян ютуқларга эришганлар. Бухорода яшаган яхудийларнинг катта қисми ўзига тўқ бўлган ва кўп ҳолларда «заводлар эгалари, бўёқчилар, ипак ва ипак матолар сотувчилар бўлганлар»². «Бухородаги яхудийлар, бу ерда улар билан бошқа Осиё шаҳарларига нисбатан яхши муносабатда бўлишларини тасдиқлайдилар», — деб ёзади XIX аср муаллифи³. Шу муаллифнинг кўрсатишича, яхудийлар ибодатхонаси — синагогаси мавжуд бўлиб, марказий ҳокимиёт томонидан уни таъмирлашга ижозат берилган.

Яхудийларнинг шаҳарларда мактаблари бўлиб, унда аҳоли хат-саводга ўргатилар эди. 1820 йилда Бухорода бўлган Е.К. Мейендорф шаҳарда яхудийларнинг диний бошлиги келиб чиқиши жазоирлик бўлган раввин мактаб очиб, унга керакли китобларни Россия, Бағдод ва Константинополдан келтиргани ҳақида ёзил, «Ҳозирда барча Бухоро яхудийлари ўқиш ва ёзишни биладилар ва «Талмуд»ни ўрганадилар», — деб қайд этган эди⁴. Бундай мактаблардан бири Самарқандда ҳам бўлгани ҳақида шоҳидлардан бири куйидагиларни хабар қиласди: «Мактаб ва синагогани кўрсатиш учун бизларни икки ёки учта тор ҳовлилардан анча кенг жойга олиб ўтдилар. У ердаги очиқ галереяда қирққа яқин болалар ўтирас эди. Ўртада йигирма ёшлар атрофидаги йигит ўтирас ва баланд овозда муқаддас китобни ўқир эди»⁵.

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар Ўзбекистон худудида қадим даврлардан мавжуд бўлган бағрикенглик анъ-аналари Бухоро амирилиги, Хива ва Кўқон хонликлари даврида ҳам жамият ҳаётида муҳим ўрин тутгани, турли тарихий даврлар ҳамда шароитлар мобайнида давом эттирилган бу анъ-аналар хонликлардаги иқтисодий, маданий ҳаётнинг барқарорлиги ва тараққиётига, ҳудуддаги интеграция жараёнлари ривожига самарали таъсир кўрсатганидан далолат беради.

¹ Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып. I. География и статистика. Под ред Н.А. Маева.— М., 1872.— С. 130.

² Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару... — С. 96.

³ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару... — С. 96.

⁴ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару... — С. 97.

⁵ Евреи в Самарканде... С. 93.

**Д. АБДУЛЛАЖОНОВА,
ўзМУ ўқитувчиси**

МИЛЛИЙ ТАРИХИЙ ХОТИРА РИВОЖИННИНГ ЗАМИНИ

Кўп миллатли мамлакат бўлган Ўзбекистонда азал-азалдан турли миллатлар ва элатлар вакилларига ҳурмат билан қараш ҳисси юқори бўлиб келган.

Республикамизда тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш борасида амалга оширилган тадбирлар, хайрли ишларнинг назарий ва амалий аҳамияти беқиёс эканини таъкидлаган ҳолда, ушбу ишларнинг ўз ўрнида тарихий хотиранинг ривожига замин яратाटганини ҳам қайд этиш лозим. Бинобарин, ушбу икки тушунча ўзаро бир-бирини тўлдиради, бири иккинчи-сининг ривожланишига замин яратади. Зеро, миллий тарихий хотира бевосита ўтмиш билан боғлиқ ибрат ва намуна мактаби ҳисобланади. У орқали миллат ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни англашни, уларни яна тақорламасликни, эҳтиёткорлик ва ҳушёрликни, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни ўрганади. Ўзида ана шу қобилият ва сифатларни шакллантириш мактабини ўтайди. Зотан, тарихий хотира авлодларни ўзаро боғлаш орқали миллий тараққиётдаги тадрижийликни таъминлади.

Юртимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик масалаларига асосий эътиборни қаратган ҳолда мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлат сиёсатида миллий тарихий хотирани тиклаш, жамият ҳаётининг турли соҳаларига боғлиқ равишда уни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари белгилаб олинди. Ижтимоий ва маънавий соҳада бундай тамойиллар:

- миллий ўзига хосликнинг ифодаси бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, унинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, республика ҳудудида яшовчи халқларнинг маданияти ва тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиш ва ўзининг диний маросимларини эмин-эркин адо этиш ҳуқуқига эгалиги, бирор бир дунёқарашнинг яккаҳокимлиги янгилangan жамиятга ёт эканидан келиб чиқиб, ҳурфиксирлилик ва виждан эркинлигини қарор топтириш.

Миллий тарихий хотира ривожини таъминлаш, миллатлараро тотувликни таъминлашдаги яна бир муҳим вазифа

миллий тиллар ривожини таъминлаш билан боғлиқ. Зеро, «Ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, миллий руҳиятини, характерини, жипслигини сақлаб турган маданий-тарихий тажрибаси тил воситачилигида авлоддан-авлодга етказилиб турилади»¹. Шу нуқтаи назардан ҳам, миллий тилнинг софлигини сақлаш, миллий ўзликни англаш жараёнига, унинг изчилигига, қолаверса, миллий тарихий хотира ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Тил — миллатни бирлаштирувчи, унинг бошқа миллатлардан фарқини кўрсатиб турувчи, ахборот алмашиш орқали билим олиш имкониятини яратувчи воситадир. Ҳозирда, мамлакатимиз дунё ҳалқлари ва миллатлари билан кенг мулоқотга киришган, ўзаро алоқалар кучайган бир пайтда, айниқса, тилимиз софлигини сақлаб қолиш масаласи олдимизда турган ўта муҳим, мураккаб ва долзарб аҳамият касб этаётган вазифалардан биридир. Зеро, унинг ривожи миллий фуурнинг шаклланишига, бу эса ўз навбатида миллий тарихий хотира камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Республикада истиқомат қилаётган ҳар бир миллатнинг ўз динига эътиқод қила олиши учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳам долзарб вазифалардандир. Маълумки, дин ўз хусусиятига кўра жамиятда бирдамлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик гояларининг юксалишига ёрдам беради. Хусусан, муқаддас Куръони каримда «Эй Мұҳаммад, уларга тарихдан ҳикоя қил, токи ўтган қавмлар ҳақида (одамлар) билиб олиб, ўйласинлар ва ибрат олсинлар»², — деган кўрсатманинг мавжудлиги фикримизнинг исботи бўла олади. Мустақиллик даврида жамиятни қайта қуриш жараёнида диннинг ана шундай тарбиявий аҳамиятига катта эътибор берилди.

Жумладан, ватандошларимиз — ислом оламининг забардаст алломалари юбилейларининг кенг кўламда нишонланиши, асарларининг чоп этилиши, номларининг абадийлаштирилиши, юртимизда динга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин мисоли бўла олади. Тошкент ислом университетининг ташкил этилгани, икки мингдан зиёд масжид, Тошкент ислом институти ва 10 та ўрта маҳсус ислом билим юрти фаолият

¹ Ҳайдотов З. Тил — бебаҳо маданий бойлик.— Т.: Мулоқот, 2005, 3-сон. 23-бет.

² Қаранг: Куръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. —Т.: Чўлпон, 1992, 113-114-бет.

олиб бораётгани ҳам бундай эътиборнинг кўламини тасаввур қилиш имконини беради.

Яна бир муҳим вазифа миллатлараро тотувлик гоясининг доимий устувор бўлишини таъминлаш билан боғлиқ. Бунда инсонпарвар, адолатли, ҳуқуқий жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимиз аҳолиси онгига ҳар бир миллатнинг ўз тарихий хотираси борлигини, ҳар бир этнос, этник груп дунёда ягона эканини, уларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, зинҳор бирини бошқасидан устун қўйиш мумкин эмаслигини назардан қочирмаслик ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятимизда барқарорликни сақлаш ҳар бир ишда бағрикенгликка таянишга асосланади. Бу эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қардош халқлар миллий хотирапарини ҳам юксалтириш масалаларига эътибор билан қаралаётганида намоён бўлади. Аслида, миллий тарихий хотиранинг туб моҳияти ҳам бағрикенгликка таянади. Ўзга миллатлар, халқларга ҳурмат билан қарай олиш ҳиссининг мавжудлиги ҳам миллий тарихий хотиранинг ўзига хос намоён бўлишидир. Бу борада бугунги кунда юртимизда истиқомат қилаётган қардош халқлар орасидан етишиб чиққан буюк ёзувчи ва шоирлар юбилейларининг кенг нишонлангани, қирғиз эпоси «Манас» нинг минг йиллигига бағишлиланган кўргазма, Тошкентда яхудий халқи санъати фестивали каби қўплаб тадбирларнинг амалга оширилгани шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аждодларимиз мероси, уларнинг буюк хотирапари, ибратли йўллари бизга доимо сабоқ бўлади, бағрикенглик, ҳамжиҳатликка чорлаб турди. Зоро, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги барқарор бўлган заминдагина тинчлик ва осойишталик хукмрон бўлади, юрт тараққий этади.

У. АБДУЛЛАЕВ,
*Андижон Мұхандислик-иктисодиёт
институти доценти, тарих фанлари номзоди*

ЭТНОСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН

Этнослар ўртасидаги ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва хавф-сизлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу сабаб-6–07-6

ли юртимизда олиб борилаётган миллий-этник сиёсат республика ҳудудида яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг қадриялари, тили, маданияти, диний эътиқодини, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, авайлаш ҳамда ривожлантириш мақсадларига йўғрилгани билан аҳамиятлидир.

Тарихдан аёнки, ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, тоҷик, туркманларнинг аждодлари Марказий Осиё ҳудудида асрлар давомида ёнма-ён, кўп ҳолларда аралаш яшаб келган. Шу кунларда ҳам «...минтақада яшаётган халқларнинг жуғрофий, этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлар-аро мулоқот ва давлатлараро ташқи сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларининг ижобий жиҳатлари сифатида майдонга чиқмоқда»¹, — деб ёзди Юртбошимиз.

Бироқ, айни вақтда бир халқнинг иккинчисидан устунлигини асослашга, бирини иккинчисига нисбатан қадимиyroқ ва маданиятлироқ қилиб кўрсатишга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Бундай нохолис ва гайрийлмий қарашлар замирида минтақа халқлари орасига раҳна солищдек қабиҳ мақсадлар яширганини англаб олиш қийин эмас. Шу каби қарашларга Президентимиз И. Каримов ўз муносабатини билдириб: «Марказий Осиёнинг бир халқини бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги тўғрисидаги афсоналарни тарқатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш лозим»², — деб қайд қиласди.

Бундай шароитда Марказий Осиё минтақасида яшаётган этносларнинг ўзаро дўстлик ришталари азалийлигини ва уларнинг тарихи ва маданияти узвий боғлиқ эканини фактик материаллар ва далиллар асосида кўрсатиб бериш долзарб масалалардан бирига айланди. Маълумки, жаҳондаги барча халқлар ўз ҳолича, бошқа этнослар билан алоқага кирмасдан ривожланмаган. Ҳар бир этнос ўз тарихий тараққиёти давомида, албатта, ён-атрофидаги, қолаверса бошқа ҳудудда истиқомат қилаётган халқлар билан иқтисодий-савдо ва маданий алоқаларга киришганлар.

Муайян бир этномаданий муҳитда ёнма-ён яшаётган халқлар ўртасида бундай этнослараро муносабатлар қизғин юз беради. Марказий Осиёнинг ilk деҳқончилик маданияти ри-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўясасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. И.А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. —Т.: Ўзбекистон. 1998. 77-бет.

² Ўша асар. — 83-б.

вож топган ўлкаларидан бири ҳисобланган Фарғона водийси ҳам қадимдан мана шундай этномулоқот ҳудуди ҳисобланган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги Фарғона водийсида турли этник гуруҳлар истиқомат қилганлар ва улар ўртасида хўжалик, маданий ва лингвистик алоқалар қизғин кечган. Бу даврда Фарғона водийси ҳудудида маҳаллий ўзбек, тожик ва қирғизлар билан бирга тарихнинг турли босқичларида келиб қолган бошқа халқлар ҳам истиқомат қиласа эди. Водий аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилган. Ушбу омил уларни бу ҳудудда кечган этнослараро жараёнлардаги ўрни ва ролини белгилаб берган.

XIX–XX аср бошларида Фарғона водийсида этнослараро савдо муносабатлари ҳам анча тараққий этган эди. Чунончи, Фарғона водийси ҳудудидаги савдо муносабатларида ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлардан ташқари уйғур, татар, рус, арман, яхудий каби халқларнинг вакиллари ҳам фаол қатнашгандар. Кўриб чиқилаётган даврда водий ҳудудида кечайтган этнослараро алоқалар маданий соҳада янада ёрқин намоён бўлган. Водийда яшаган ўзбек, қорақалпоқ, тожик, қирғиз, уйғур ва бошқа этник жамоаларнинг бу соҳадаги ўзаро алоқалари, бир-бирига маданий таъсир кўрсатиши уй-жойларни тиклашда, миллий либослар ва таомларни тайёрлашда ўз ифодасини топди.

Фарғона водийси аҳолисидан тўплланган этнографик материалылар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қирғиз, қорақалпоқ каби халқларда лой деворли уй-жойлар ўзбек ва тожик аҳоли билан юз берган хўжалик-маданий алоқалар натижасида вужудга келган.

Маълумки, ҳар бир халқнинг анъанавий кийимлари, шубҳасиз, турли тарихий тараққиёт босқичларида ушбу халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кўрсатиб бериш билан бирга, бошқа халқлар билан қай даражада этномаданий алоқада бўлганини акс эттиради. Ўзбек, қорақалпоқ, тожик, қирғиз, уйғур ва бошқа этник жамоаларнинг анъанавий кийимларида XIX–XX аср бошларида этник ўзига хослик хусусияти ёрқин акс этган эди. Бироқ турли омиллар таъсирида, чунончи, қадимдан ўрнатилган хўжалик-маданий алоқалар натижасида мазкур этносларнинг анъанавий кийимларида ҳам кўплаб умумий жиҳатлар қарор топиб борган.

Халқларнинг маданий алоқалари акс этган яна бир соҳа бу халқ анъанавий таомлариdir. Гарчи, моддий маданият-

нинг ушбу компоненти анча консерватив хусусиятга эга бўлиб, ўзида барқарор этник жиҳатларни сақлаб қолса-да, барибир бу соҳада ҳам этник алоқалар, умуммintaқавий жиҳатлар ёрқин акс этиб турган.

Умуман, водийдаги турли этник жамоаларнинг анъанавий таомларини қиёсий ўрганиш деҳқон ва чорвадор халқларнинг ўзаро яқинлашуви натижасида таомлардаги этник тафовутлар ҳам аста-секин йўқолиб бориб, умумўзбек ёки умуммintaқавий хусусият касб қила бошлаганидан далолат беради.

Ўзбек, қорақалпоқ, тожик, қирғиз, уйғур ва бошқа этник жамоаларнинг анъанавий урф-одат ва маросимларида ҳам умумий жиҳатлар кўп бўлиб, бу ушбу халқларнинг этногенези ва этник тарихи бир экани, уларнинг маданиятлари ягона этномаданий муҳитда шакллангани билан изоҳланади.

Демак, турли этник жамоаларга мансуб халқларнинг маълум бир ҳудудда ёнма-ён аралаш яшашлари сўзсиз этнослар аро тил алоқаларини юзага келтиради. Полиэтник хусусиятга эга бўлган Фаргона водийси аҳолиси учун азалдан икки тиллилик хос бўлган. XIX–XX аср бошларида водий ҳудудида ўзбек-тожик, ўзбек-уйғур, ўзбек-қирғиз ва ўзбек-қорақалпоқ икки тиллилик ходисаси ва унинг тарқалиш кўлами водийнинг турли ҳудудларида турлича бўлиб, унинг содир бўлиши этник муҳит билан бевосита боғлиқ эди.

**Ш.О. МАДАЕВА,
ЎзМУ доценти,
фалсафа фанлари номзоди**

ЎЗБЕКЛАР МЕНТАЛИТЕТИДАГИ БАФРИКЕНГЛИК

Ҳозирги пайтда миллатларнинг умуминсоний тараққиёт йўлида маргиналлашув жараёнини башорат қилаётган футурулогик таълимотлар давлат тараққиётида асосий омил бўлган миллийлик масаласини талқин қилишда давом этмоқда. Умуминсоний тараққиётга интеграциялашув, дунёвий демократик тамойилларга йўналишда маргиналлашув йўлидан эмас, миллий идентификация йўлидан бориш миллат, миллийлик, миллатпарварлик, миллият тушунчалари ҳукмронлик қилаётган даврда энг оқилона усуздир. Шунинг учун ҳам, ўзига хос миллий

демократик усул билан умуминсоний тараққиётга юз тутаётган, миллий истиқлол мафкураси тамойиллари асосида ри-вожланиш концепциясини танлаган юртимиз сиёсатида миллий ментал дастурни такомиллаштириш мумкин бўлган мафкуравий услубларни ишлаб чиқишида ўзбек менталитетининг ички генотип хусусиятларидан фойдаланиш муҳим вазифадир.

Кўп минг йиллик тарихий шаклланиш жараёнини бошдан кечирган ўзбек миллий менталитети континентал иқлим, ҳудуд менталитетини ўзида ифодалайди. Геосиёсатнинг кучли назариётчиларидан бўлган Х.Макиндер денгиз мамлакатлари ва континентал мамлакатлар стереотипларининг дунё сиёсатларига таъсири таҳлилига алоҳида тўхтаб ўтар экан, континентал ҳудуд социомаданий менталитетида иерархия ва жамоавийлик ҳисси кучлидир, деган холосани беради¹. Иерархия ва жамоавийлик эса ҳар қандай менталитетда анъанавийликка интилиш ҳиссини шакллантиради. Анъанавийликка интилиш ҳиссининг тарихий ҳосиласи бағрикенгликдир. Чунки бағрикенг бўлмасдан туриб жамоавийлик ва анъанавийлик кўнилмаларини қабул қилиш мумкин эмас. Шунингдек, иерархия ва жамоавийлик жамият аъзоларини ўз-ўзини назорат қилиш, ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига бошқаларнинг назари билан баҳо бериш характеристини шакллантиради. Бу ўзбекларда уят, андиша, ҳаё, ибо, нафсоният, шахсият туйгуларининг кучлилигига асос бўлган омил. Андиша, ибо, нафсоният каби бир қатор тушунчаларнинг бошқа тилларга айний таржимаси йўқлиги, ўзбекларда бу каби миллий хусусиятларнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Марказий Осиё ҳалқларига таъриф берилганда қўчманчи ва ўтроқ тушунчалари қўлланилган. Лекин ўтроқлик қўчманчиликка нисбатан анча кейин пайдо бўлган ҳодисадир. Шунингдек, Марказий Осиё ҳалқларига баҳо берилганда номадик дунёқараш тушунчаси ишлатилиб, ушбу тушунча таърифига кўра, номадларда ўзлигини англаш макон, табиат, замин, Ватан нуқтаи назаридан баҳоланади. Зардуштийликдан мерос қолган, замонлар оша такомиллаша борган бағрикенглик, Ватанни севиш, иймон, эътиқод мустаҳкамлиги, табиат билан ўзини бир деб ҳис этиб, ерга муҳаббат туйгуси асосида шаклланган меҳнатсеварлик ўзбекларнинг миллий

¹ Mackinder H. The democratic ideals a reality. N.Y., 1944. p.45. (155p).

қиёфасини акс эттиради. Озодлик, фаровонлик, ҳамжиҳатлик каби демократик идеаллар ўзбекларда бир-бирини қўллаб-куватлаш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида оила, қонқариндош, қўни-қўшни, маҳалла, юрт, Ватан фаровонлигига эришишда деб тушунилади. Ислом динининг синкетик характеристи билан шаклланган иррационал характер эса иймон, эътиқод, савоб туйғуларининг кучли даражада шаклланнишига сабаб бўлган. Жамоачилик кучли бўлган анъанавий ўзбекона социумнинг минглаб йиллик тажрибаси «Ёлгиз отнинг чангчиқмас, чангчиқмас ҳам донғи чиқмас», «Қўшнинг тинч – сен тинч», «Олтин олма, дуо ол», «Кенгашли иш тарқамас» каби мақолларда ўз ифодасини топган. Ушбу мақолларнинг мазмун-моҳияти қўпчиликни афзал кўриш, мулоҳазакор бўлиш, бағрикенглик орқали ижтимоий фикрдан хулоса чиқариш хусусиятларини ифодалайди.

Ўзбек халқининг умумий ментал қиёфасидаги яна бир сезиларли жиҳат сабрлилик ва яхши ниятдир. Яхши ният ва сабрлилик халқимиз тарихида содир бўлган қийинчилик ва мушкулотлар борасида ўзга бўлган бағрикенг кайфиятни шакллантириди. Халқимиз яшаган минтақадаги тарихий шароит, кетма-кет олиб борилган урушлар, иқтисодий муаммолар ментал қиёфада қийинчиликка кўниш, шароитдан чиқиш учун сабр билан имконият излаш, вақти келганда тақдирга тан бериб, келажакка умид билан қараш характеристини шакллантирас экан, унинг замирида генотип хусусиятга айланган бағрикенглик ижтимоий-сиёсий жараёнларга кўникиш қобилиятини кучайтириди.

Марказий Осиё Уйғониш давридан кейин сиёсий тарқоқлик, тахт учун қураш натижасида ислом ақидавий қарашларининг қучайиши ҳам ҳар қандай шароитда тақдирга шукр қилиш, фақат ибодат орқали худодан мадад сўраш, сабр қилиш характеристини ташвиқ қилди. Бу жиҳат ҳатто миллий характеристидаги энг салбий жиҳат сифатида жадидчилик мафкурасида кескин танқид қилинади. Жадидчилик мафкурасида сабрлиликка қарши сабрсизлик илгари сурilmайди, балки ақлга мувофиқ равишда ўз ҳолатидан кўнгли тўлмаслик, билим, ҳаракат, интилиш билан вазиятни яхшилаш, ўз қадрига етиш, камситилиш, ночорлик, қашшоқликка қарши исён тарғиб қилинади. Ва айнан шу ерда ўзбек бағрикенглиги янги қиёфада юз очади. Жадидчилик мафкураси миллат характеристида жаҳолатга қарши умуминсоний тараққиётга бағрикенг бўлиш-

ни, разолатга қарши адолат, дунёвий маърифат, маданиятга бағрикенг бўлишни тарғиб этади.

Ҳар бир нарсага яхши ният билан умид боғлаш, ёмонликнинг оқибатидан ҳам яхшилик бўлишига умид билан яшаш ўзбек ментал қиёфасининг ноёб дурданаси. Бу хусусият оммавий қирғинлар ва қирғинбарот урушлар кетидан ўзини тиклашга, руҳини туширмасликка, миллат сифатида қарор то-пишига замин яратган. Яхши ният ҳаётга иштиёқни тиклашда, инсоний салоҳиятнинг ишга солинмаган имкониятларини юзага чиқишида ҳаракатлантирувчи интерактив қувватдир. Балки шунинг учун ҳам ўзбек менталитетида тақлидчилик кайфияти кучлидир. Бу хусусиятдан миллий тарбия усулларида ҳам кенг фойдаланилади. Яхши ва ёмоннинг фарқига борища яхши сифат эгаларини ибрат, намуна қилиб мисол келтириш, миллий тарбияда қадимдан шаклланиб келган. Одоб-ахлоқ соҳасида, илм-маърифатда, кимгадир савоб қилишда тақлид характерини шакллантириш тарбияда самарали усулларни берган. Бундан келиб чиқадики, соғлом тақлид бирорвлардаги барча ижобий сифатларни бағрикенглик билан қабул қилишни ҳам англашади.

Ўзбекларнинг ментал салоҳиятида бағрикенглик, меҳнат-севарлилик, бир сўзлик, ҳақиқатга ишонч, оптимизм каби позитив сифатлар қанчалик кучли бўлмасин, менталитетнинг стереотипга нисбатан ўзгарувчан характери ўтган асрнинг тоталитар тузумида ўзбек менталитетида ҳам намоён бўлди. «Босмачилик» деб аталган ҳаракатлар, коллективлаштириш, очарчилик, қатағон сиёсати ва бошқа ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан боғлиқ шаклланган миллий тафаккур тарзида давлатга бўлган ишончсизликни, сиёсатдан бегоналашувни, олиб борилаётган мафкуравий тарғиботга навбатдаги сиёсий ўйин сифатида қарашни, миллий илдиз ва қадриятлардан муайян даражада бегоналашувни, сиёсатнинг найрангларига кўнишини ҳосил қилди.

Ташаббус ва бунёдкорликнинг доимий равишда бўғилиши миллат дунёқарашида мутелик, имконсизликка кўниш ва сиёсат томонидан етказилган ҳар қандай хўрликни оддий ҳолат, деб қабул қилиш хусусиятини шакллантириди. Шунинг учун ҳам, аксарият ўзбек менталитетига оид дала тадқиқоти материалларида «иложимиз қанчайди», «биз нима ҳам қила олардик», «пешанамизда бори шу экан» каби хуласалар учрайди.

Собиқ совет мафкураси шакллантирган рамзий белгилар миллий психологияда ҳам қуллик ва тобелик дунёқарашини шакллантиришга мўлжалланган эди. Ўзбек деганда, пахта, тўн ва меҳнаткаш дехқон рамзи асосий қиёфани чизар эди, ўз шахсий фаровонлиги ва ҳаловатидан айрилган, фикри-зикри давлатга пахта етишириб топширишда бўлган тобе инсон тушунилар эди. Зўрма-зўраки равишида Ўзбекистонда пахта монокультурасини шакллантириш, барча иқтисодий-сиёсий тизимни шунга мослаштириш миллий тафаккурда ҳам ўзига хос оқибатларни келтириб чиқаради. XX аср ўзбек адабиётида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон, Рауф Парфи, Муҳаммад Али, Муҳаммад Юсуф ижодида, Ўқтам Усмонов, Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод асарларида пахта монокультураси тъясиридаги ўзбек миллий қиёфаси масаласига жуда кўп мурожаат этилган. Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» шеъридаги

*Кеч куз эди... Мен сени кўрдим,
Деразадан боқарди бирор.
У – сен эдинг, о, дехқон юртим,
Турап эдинг ялангтўш, яёв.
— Ташқаридан изиллар ёмғир,
Кир, бобојсон, яйрагил бир оз.
Дединг:— пахтам қолди-ку ахир,
Йигиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг умри маҳзаним маним...*

Ушбу сатрлар ҳақида нима дейиш мумкин? «Ўзбек қайси асрда қандоқ бўлса бўлгандир, XX аср ўзбегининг – фитратидаги жамики яхши фазилатлари ўзига қарши қайратилган халқнинг суврати шудир. Бу мисраларда оғриқ ва шафқат, аянч ва изтироб, алам ва меҳр қанчалар кўп! Унда андишаси қулликкача, соддалиги гумроҳликкача, заҳматкашлиги ҳаммолликкача, фидойилиги қурбонликкача зўрланган халқ шоирининг ҳамма ҳам англаб ололмайдиган дил оғриқлари бор»¹. Бу сентиментал ташбихда XX аср ўзбегининг объектив қиёфаси ва фожиаси тасвирланганини эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

Юртимиз миллий мустақилликка эришгач ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳадаги жуда катта ўзгаришлар билан

¹ Фаниев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. —Т.: Фан, 2006. 23-бет.

бирга мафкура соҳасида туб бурилишлар тақозо этилди. Ижтимоий-гуманитар фанларда, айниқса, тарих фани соҳасида янгича ёдашув ва қарашлар шаклланди. Миллий истиқлол мафкурасининг назарий асослари яратилди. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий сифатларига берилган таърифда:

- тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони бўлиш;
- халқимизнинг туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи гоявий байроқ вазифасини ўташ;
- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий гоялар тизимини ўзида мужассам этиш;
- ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиш;
- миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқоднинг манбай бўлиш;
- Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллукли бўлиш;
- мамлакатимиз аҳолиси онги ва қалбida «Ўзбекистон-ягона Ватан» деган туйғуни юксак даражада шакллантиришга хизмат қилиш» каби муҳим жиҳатлар кўрсатилган¹.

Жамиятни демократик тамойиллар асосида шакллантиришга қаратилган бу хусусиятлар фуқаролар онгига эркин фикрлаш, дунёвий ва диний маърифатни уйғун ўзлаштириш, Ватанни севиш, давлат сиёсати ва тақдирига бефарқ қарамаслик, бошқа халқларни душман билмаслик, маърифатга интилиш сифатларини такомиллаштиришга хизмат қиласди. Ватанимиз миллий истиқлолга эришган даврдан бўён миллат сийратида миллий онг, ўзлигини тарих, воқелик ва истиқбол нуқтаи назаридан англаш, юрт тақдиридаги ҳар бир ўзгаришга хушёр муносабатда бўлиш хусусиятлари намоён бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўзини англаш йўлида яхшилика, тараққиётга, илм ва маърифатга, умуминсоний қадриятларга йўғрилган ўзбек бағрикентлиги барча даврларда ҳам прогрессив натижаларга олиб келган. Шунинг учун ҳам, бу каби фазилатнинг ўзбек менталитетида муқимлигини ҳисобга олган ҳолда миллат истиқболининг хайрлилигига умид қилишга етарлича асос бор деб ўйлаймиз.

**Г.Ш. ЗУНУНОВА,
заведующая отделом Института истории АН Уз.,
кандидат исторических наук**

ТРАДИЦИИ ТОЛЕРАНТНОСТИ В КУЛЬТУРЕ УЗБЕКОВ

Толерантность — терпимость, доброжелательное отношение к окружающим, стремление к достойным компромиссам и к преодолению возникающих несогласий и конфликтов, склонность решать возникающие проблемы мирным способом — все чаще становится предметом внимания исследователей. И это не случайно. Только на пути толерантности человечество может избежать опасности взаимного истребления.

В самом общем виде толерантность можно определить как «тип индивидуального и общественного отношения к социальным и культурным различиям, как терпимость к чужим мнениям, верованиям и формам поведения»¹, т.е. как терпимое отношение вообще к «чужому» или «другому».

Толерантность, в том числе этническая, присуща традиционной культуре. Она проявляется в терпимом отношении традиционного общества к «чужому», которое можно фиксировать в традиционном сознании, а также в обычаях, обрядах, этикете и прочих формах общественной практики. Без этого свойства невозможны были бы ни этнические контакты, ни многочисленные культурные заимствования, которые зафиксированы этнографами практически у всех народов. В этом плане особый интерес представляют материалы этнографии узбеков и изучение обычаев, отражающих нижний и верхний пласты толерантного традиционного сознания узбеков.

Традиционные узбекские институты, назначением которых было преодолевать обособление и отчуждение этнических и социальных миров, с помощью которых удавалось налаживать связи и контакты, устанавливать пути взаимного общения и доверия между разными народами увеличивали способность этноса к адаптации.

Традиционной культурой были выработаны определенные способы взаимодействия с другими этническими группами. Один из них —нейтрализация «чужого» посредством превра-

¹ Даль В. Толковый словарь русского языка. М., 1998; Философский энциклопедический словарь.— М., 1997.

² Мартинова М.Ю. Мир традиций и межкультурное общение.— М., 2004.

шения «чужого» в «свое». Этот способ отражает тот пласт традиционного сознания, который считает, что «чужое» — это плохое, а «свое» — это хорошее. Сделав «чужое» «своим», можно примириться с ним. Очевидно, что такие формы взаимодействия с «чужим» требуют, по крайней мере минимального уровня толерантности по отношению к этому «чужому»².

Гостеприимство требует более высокого уровня толерантности, которое предполагает терпимое отношение к «чужим» без предварительной переделки «чужого» и соответствует тому пласту традиционного сознания, который принимает чужие культурные особенности, не давая им отрицательной оценки.

Традиции гостеприимства, отличавшиеся у разных народов некоторыми чертами своеобразия, повсеместно имели сакральное обоснование: «Гость — посланник Бога». Исследователи центральноазиатских народов, в том числе узбеков, высоко оценивали их гостеприимство, «одну из высочайших добродетелей мусульманина». Основная суть этого обычая заключается в том, что гостю должны были быть безвозмездно предоставлены пища и ночлег. В традиционном сознании гостеприимство имеет большую ценность. Поведение хозяина по отношению к гостю должно было быть в высшей степени толерантно, что отражено в пословицах: «Гость — превыше отца», «Гость ступает на порог, и удача идет вслед за ним». Гости всегда сажают на самое почетное место. Обычай гостеприимства был закреплен адатом. Среди узбеков считается очень «неприличным» не пригласить даже случайного гостя на пиалу чая. Угощение является основным моментом гостеприимства. Считалось, что если гость примет угощение, то хозяина ждет благополучие. Для гостей резали барана и готовили плов. Издревле плов у узбеков играл роль центрального блюда в ритуально-престижных трапезах всех уровней, особенно праздничных и гостевых. Приглашение на плов стало синонимом приглашения в гости, он (плов) воспринимался и воспринимается как символ, как непременный атрибут большого праздничного стола. Ближайшие соседи хозяина, по существовавшему в соседской общине этикету, тоже могли внести свою долю в угощение гостя. Однако и гость должен был соблюдать правила этикета по отношению к хозяину. Если зашедший в дом человек откажется от угощения — это считалось признаком неприязни.

О высокой оценке русскими узбекского гостеприимства пишет О.И. Брусина. Форма проявления гостеприимства к «чужим» показывает степень толерантности по отношению к чужой культуре и чужим нормам поведения. Особенно хорошо это прослеживается на таком частном случае гостеприимства, как приглашение гостей на семейные торжества и праздники. Узбеки всегда приглашают соседей, друзей и сослуживцев любых национальностей на свадьбы, похороны, той (свадьба) по случаю обрезания сына и т.п. О.И. Брусина подробно описала, как принимают узбеки гостей-неузбеков. Если приглашают в гости старожильческую семью, которая знает узбекский язык и местные обычаи, то от нее ожидается соблюдение этикета. В частности, мужчины будут сидеть отдельно от женщин, старшие от младших; русская семья приносит с собой дастархан — скатерть, в которую завернуты лепешки, сладости и подарки (ткань, постельное белье и т.д.). В конце той их отдаивают эквивалентным по ценности подарком. В этом случае толерантное отношение проявляется к «чужому», который стал «своим». Уже в этих случаях узбеки понимают и принимают некоторые отличия русских от узбекских гостей. Иногда русскую женщину могут посадить среди мужчин в знак уважения к ее профессии или особого отношения к ее мужу или отцу¹.

Еще большую степень толерантности проявляют узбеки, приглашая на семейные торжества сослуживцев, среди которых много русских. В этом случае максимально учитываются этнокультурные особенности гостей. Для них накрывают высокий стол, ставят стулья. Мужчины и женщины оказываются за общим столом, хотя иногда сидят по разные его стороны. Такое же толерантное отношение проявляют узбеки к «неправильному» поведению иноэтничных гостей на похоронах, если последние приходят с группой сослуживцев: русские женщины в таком случае могут смотреть на покойника и даже провожать его на кладбище.

Таким образом, мы видим, что в традициях гостеприимства иная культура принимается целиком, без всяких оговорок.

Благожелательность стоит в одном ряду с такими принципами поведения, как гостеприимство, почитание старших,

¹ Брусина О.И. Славяне в Средней Азии.— М., 2001.

почитание женщин, скромность. Мало того, она является условием реализации каждого из названных принципов. О благожелательности, например, такие узбекские пословицы: «Желаешь себе добра, не делай зла другому»; «Не смотри, что у человека снаружи, а смотри, что у него внутри» и т.д. Благожелательное поведение ассоциируется с этикетным и социально одобренным поведением¹.

Этикетные нормы узбекского народа во многом были направлены на то, чтобы создавать благоприятную атмосферу для общения людей, причем не только знакомых, но и случайно встретившихся на пути, в поездке.

Для узбеков характерно особое внимание к словесным формулам, сопровождавшим различные ситуации общения. Одной из форм проявления уважительного, толерантного отношения у узбеков были многочисленные ритуализированные знаки приветствий, особые для пола и возраста, выражения благодарности, пожелания благ, почтания старших или близких рода. Так, принятие угощения человеком, зашедшим в дом, было знаком уважения к хозяину, а отказ от угощения воспринимался как выражение неприязни.

Как было отмечено выше, существовали известные всем правила приема гостей, которые регламентировали места в помещении, предназначенном для гостя, а также вид угощения. Считалось, что чем дальше место от входа, тем оно почетнее.

Такого рода нормы, представления, обычаи — отражение ценностных ориентаций узбекского народа, ориентации на толерантность.

Вышеизложенное представляет лишь некоторые обычаи и нормы традиционного института толерантности узбеков. Но и эти примеры в достаточной мере раскрывают щедрость и широту души узбекского народа, которая отражается в стремлении к межэтническому и межконфессиональному согласию.

¹ Байбурин А.К., Топорков А. Л. У истоков этикета.— М., 1990.

**Ш. ХАИТОВ,
ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти
директорининг ўринбосари,
фалсафа фанлари номзоди**

КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАШИМИЗ ЗАРУР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач давлат ва ҳукумат олдида турган энг устувор вазифалардан бири — Ватанимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатлар вакилларининг тақдирни масаласи бўлган, десак хато бўлмайди. Чунки, бу энг аввало мамлакат тинчлиги ва барқарорлиги, жамият равнақи ва тараққиётининг асосий омилидир. Зеро, миллий сиёсатни миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш тамойиллари асосида ҳал қилишгина мустақилликни мустаҳкамлаш гарови ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: «Яна бир муҳим вазифамиз — бу Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одати ва анъаналарини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтиришдан иборат. Шу орқали юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш, уни кўз қорачигидай асраш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир»¹, — деб таъкидлайди.

Биз бу сўзлар биргина қорақалпоқ миллати мисолида амалда қандай намоён бўлганининг айрим жиҳатларига тўхтабиб ўтамиз. Бунда И.Каримовнинг 1999 йил 2 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари вакиллари билан бўлган учрашувда қилган «Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан!» номли нутқида кўтарган масалалар ҳамда жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш билан боғлиқ жараёнлар тўғрисида билдирган айрим мулоҳазаларига таянишни лозим топдик. Чунки қорақалпоқлар кўп миллатли Ўзбекистон оиласида ўзининг қадимий тарихи, тили, маданияти, урф-одатлари ўзига хослиги билан ажralиб туради.

«Мен бундан ўн йил муқаддам — 1989 йили янги сайланган раҳбар кадр сифатида Мўйноқقا борган эдим. Орол фожиаси оқибатида рўй берган оғир экологик ҳолатга қарамас-

¹ И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 343-бет.

дан, тугилган ерига меҳри туфайли шу заминда сабот билан яшаётган Мўйноқ халқининг ҳаёти билан атрофлича танишдим. Ўшанда: «Шу одамларнинг оғирини енгил қилсам, армоним қолмас эди!» деган фикрни кўнглимга тушиб қўйган эдим. Вазиятни чуқур ўрганиб, одамлар билан суҳбатлашиб, бу аҳволдан чиқиш йўлларини маҳаллий халқ билан муҳокама қилдик. Бу гапларга гувоҳ бўлган овул оқсоқоли мен Мўйноқдан кетгач, овулдошларига: «Ҳойнаҳой, бу одам қорақалпоқ бўлса керак!» — деган экан. Бу гапни менга хурматли академигимиз Собир Камолов айтиб берган эди. Мен буни эшишиб, оддий бир инсон сифатида хурсанд бўлиб, муҳтарам олимимизга жавоб қилган эдим. Шу жавобни сиз — азизларга ҳозир яна такрорламоқчиман: «Агар қорақалпоқлар мени «қорақалпоғим» деса, ўзимни фоят баҳтли одам, деб биламан!» деган эдилар Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқида. Учрашувда кўтарилиган муаммоларнинг асосийларидан бири ҳозирда жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган, глобал характерга эга Орол масаласидир. Мустақиллик шароғати билан Орол фожиаси битта давлат эмас, балки умумжаҳон муаммосига айлангани дунё халқлари, давлатларига етказилди. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб Юртбошимиз маълумот бердилар. Шу саъӣ-ҳаракатлар оқибатида Орол муаммосига бағишлиланган Давлатлараро Кенгаш, Оролни қутқариш фонди ташкил этилди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тоҷикистон давлатлари ўртасида Орол муаммосига бағишлиланган Битим имзоланди. Ҳозир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури асосида Оролбўйи аҳолисини соғ энергия билан таъминлаш йўлга қўйилмоқда. Тахтакўпир туманида Күёш нури воситасида электр энергияси ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилинган бўлиб, овулнинг 15 хонадони ҳамда яйловдаги 21 хонадон мазкур энергиядан фойдаланмоқда.

«Қорақалпоғистон ҳақида сўз юритганда, мен илгари ҳам айтган, ўзим учун муҳим бўлган бир фикрни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизнинг Ўзбекистонимиз ягона давлат, ягона мамлакат бўлиши билан бирга, ҳар қайси минтаقا ва ҳудуд, вилоят ва воҳада яшайдиган халқнинг ўзига хос хусусиятлари, фазилатлари, уларнинг ҳар бири мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнига эга эканини ҳеч ким инкор қилолмайди. Давлат манфаатлари нуқтаи назаридан

қараганда, биз ҳар бир вилоятнинг мана шундай ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор беришимиз, уларни инобатга олишимиз — ҳам қарз, ҳам фарз.

Мен мамлакат раҳбари сифатида иш бошлаган биринчи кунданоқ бу муҳим масалада ана шундай сиёsat йўлини танлаганман¹. Юқоридаги сўзлардан миллий масалага мустақиллик шароитида алоҳида эътибор зарурлиги, кўп миллатли мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлашда ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одати нафақат хурмат қилиниши, айни пайтда, уларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиш зарур деган мантиқий хуласа келиб чиқадики, бу назарий хуласалар Ватанимизда амалда намоён бўлаётганини бутун жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг ички имкониятлари (чорва, пахтачилик, шоли ва буғдой етишириш, саноат) бекиёс ер ости бойликлари (табиий маъданлар, темир, фосфорит, туз, нефть, газ) захиралари бисёрdir. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида Марказий Осиёда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шина заводи, Нукусдаги кабель, Қўнғиротдаги карбит заводлари, «Элтекс», «Катекс» каби янги технологиялар билан жиҳозланган корхоналарнинг қурилиши ҳамда турли миллатга тааллуқли маҳаллий ёшлар учун иш ўринларининг барпо қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган миллий сиёsat натижасидир. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилда Россиянинг «Газпром» компанияси билан Қорақалпоғистон Республикасидаги Шахпахта конини қўшимча ўзлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилди, «Лукойл» компанияси билан Қовузак — Шоди конида саноат асосида бургулаш ишлари бошланди.

Мустақиллик шароитида қарақалпоқ халқининг миллий маданияти ривожланди. Мустақиллик миллий адабиётимиз равнақига кенг йўл очиб бериши баробарида Ватанимизнинг барча худудларида муайян адабий муҳит ва марказлар шаклланишига кенг имкониятлар яратди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида 2000, 2001, 2003, 2005 йилларда «Арчакўл илҳомлари» адабий анжуманининг таш-

¹ И. Каримов. Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан!. И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 102-бет.

кил этилиши қорақалпоқ адабиётининг равнақида муҳим омил бўлди. Унда кўплаб қорақалпоқ ёш шоирлари кашф этилди. Шундай тадбирлардан бири «Ҳуррият наволари» адабий анжумани 2006 йилнинг 18—19 августрасида Элликқалъа туманинаги Бўстон шаҳрида ўтказилди. Байрам тадбирлари асосан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги Бўстон шаҳринаги академик лицейда бўлиб ўтди. Адабий кечада атоқли адибларимиз Абдулла Орипов, Тўлепберген Қаипбергенов, Жуманиёз Жабборов ва бошқалар истиқлол шарофати билан миллий сиёсатдаги бағрикенгликни, ёшларга ижод эркинлиги учун берилётган имкониятлар чексизлигини, мустақиллик даври адабий ҳамкорликдаги туб сифатий ўзгаришлар, ўқувчига ақл ўргатишдан кўра, уларни комилликка даъват қилиш устун бўлаётгани ҳамда Муҳаммад Юсуф ижодий фаолияти тўғрисидаги хотираларни гапириб бердилар. Мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишилаб кураш мусобақалари ўтказилди. Шунингдек, ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятининг вакилларидан Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Александр Файнберг, Қорақалпоғистон халқ шоири Набийра Тўрешова, Эркин Самандар, Улманбет Хўжаназаров, Кенгесбай Каримов, Бахтиёр Генжамурод ва бошқалар ўзларининг янги ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Жамият маънавий ҳаёти равнақида ҳам қорақалпоқларнинг муносиб улуши бор. Масалан, 2006 йил июлида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоқ бўлими кўргазмалар залида Оролбўйи мўйқалам усталарининг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишиланган асарлари кўргазмаси намойиш қилинди. Мамлакатимиз равнақига барча миллатлар, жумладан, қорақалпоқлар ҳам, кенг имкониятлардан фойдаланиб, салмоқли ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаб И.Каримов шундай деган эди: «Қорақалпоқ халқи бағрикенг, қалби дарё, донишманд ва сахий халқ. Бу халқ Султон Увайс, Ҳаким ота каби азиз-авлиёларнинг ўйтларидан баҳра олиб, маънан ва руҳан юксалган. Шу муқаддас замин муҳаббати Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердақни булбулзабон шоир қилган Эрназарбий, Оллоёр Дўстназаров каби баҳодирларни озодлик учун курашга ундаган»¹.

¹ И.Каримов. Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан! И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: Ўзбекистон, 2000, 110-бет.

Юқорида мустақиллик шароитида бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган барча миллат ва элатларга яратилган шарт-шароитни биргина қорақалпоқлар мисолида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганидек: «Ўзбекистоннинг истиқболи – Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи – Ўзбекистоннинг истиқболи, десак хато бўлмайди. Бу ҳақиқат барчамиз учун раҳнамо бўлсин»¹.

**Айдын ГУДАРЗИ,
журналист**

БРАТЬЯ – ВЧЕРА, СЕГОДНЯ И ЗАВТРА

«Человек богат своим чувством любви к родине». Эти слова должны были стать заглавием очерка, потому что были записаны первой строкой в рабочем блокноте уже в первые часы моего пребывания в Азербайджане поздней осенью 2006 года. Не стали. И не оттого, что не захотел выглядеть пафасно-восторженным. Просто их смысл наполнялся ежедневными впечатлениями и невольно возникающими параллелями и оценками того, что удалось увидеть и понять в Азербайджане.

Поездка состоялась практически сразу после завершения командировки в древнюю Бухару. Оттого и горечь признания самому себе, что в Азербайджане я не был около тридцати лет назад, притуплялась охватывающим меня ощущением близости культур и традиций двух народов, азербайджанского и узбекского. Близости, возможно для кого-то уже привычной, но для меня осознанной в ощутимой реальности.

Как давно началось сплетение национальных культур и быта двух народов? Последний ответ историков ориентирован на каменный амулет, датированный II тыс. до н.э. Выполненный много веков назад мастерами в виде двух переплетающихся змей, он был найден в селении Сох, удивив археологов своей схожестью с каменными аналогами из персидского Азербайджана.

Уже в VIII–XII вв. азербайджанские купцы, ремесленники, ученые, поэты, певцы и танцоры были тесно связаны со

¹ И.Каримов. Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан! И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: Ўзбекистон, 2000, 103-бет.

Среднеазиатским регионом, куда они добирались, используя водные и караванные пути, проходящие через города — Бухару, Самарканд и Шаш.

Подтверждением непроходящего взаимного интереса азербайджанцев к культуре и обычаям самарканцев и бухарцев являются записи в трудах азербайджанского ученого-философа XV в. Абдар Рашида Бакуви, мыслителей Мизаджан Ширази и Юсиф Карабаги, живших и творивших свои бессмертные произведения в XVI в. под небом Бухары и Самарканда.

И что уж говорить о неизгладимом влиянии на формирование духовности народов, проживающих на территории Азии, великого поэта Низами Гянджави, если о его творчестве, воспевающем духовность, доброту, самоотверженность, верность, справедливость и мужество, писал сам Алишер Навои.

Одним из современных признаков величия творческого наследия поэта стало торжественное открытие в марте 2004 года Президентом Узбекистана И. Каримовым и Президентом Азербайджана И. Алиевым памятника Низами Гянджави в городе Ташкенте, на площади перед зданием Ташкентского государственного педагогического университета, который с 1945 г. носит его имя.

О многом из того, что вчера и сегодня связывает азербайджанскую диаспору с историей узбекского народа, мы говорили с моими бакинскими друзьями, гуляя по уютным улицам старых кварталов города. Говорили, заглядывая за резные двери в небольшие мастерские, и я удивлялся таланту современных азербайджанских зодчих по дереву и металлу, так похожих на их собратьев в Узбекистане. Удивлялся, и, не разделяя их по гражданству, гордился ими и данным им Богом даром — хранить в своем творчестве традиции своих народов.

В Баку мне довелось получить еще одно подтверждение основы традиционно существовавших взаимосвязей двух наших народов. На одной из улиц мы вошли во двор караван-сарай, где в прошлые времена останавливались бухарские и самарканские купцы. Сколько их прошло по дорогам Азербайджана и останавливалось в караван-сараях Баку, Шеки, населенных пунктах Апшиrona, Гендже, Физулях и Шемахе? Ответа на этот вопрос в исторической хронике я не нашел.

Но даже в этом пробеле историков есть неотрицаемый факт. Мои бакинские друзья показали мне малые декоративные камни «бухар», уважительно уточнив, что они и сегод-

ня встречаются во многих домах Азербайджана. Уточнили и то, что исторические источники их появления в домашнем интерьере связаны с декоративными нишами, популярными в Узбекистане.

В Баку на встречах с деятелями культуры и искусства мне довелось услышать и популярную азербайджанскую певицу Айгуль, в недавнем прошлом признанную и удостоенную на Самаркандском международном фольклорно-этнографическом конкурсе «Шарк тароналари» Гран-при за лучшее исполнение мугама.

Формирование отношений двух родственных тюркоязычных народов характеризуется многими историческими эпизодами. Только один пример — в первой половине XIX в. в Туркестане при освоении фонтанной нефти в Чимоне был востребован опыт азербайджанских рабочих и инженеров. Итогом этой практики стало то, что квалифицированные азербайджанские рабочие стали на многие десятилетия постоянными участниками промышленной добычи нефти в Ферганской долине и на других нефтяных месторождениях региона. Естественно, с годами они все больше не только воспринимали Узбекистан в образе своей второй родины, но и формировали этот образ в ментальности своих потомков.

Еще один эпизод связан с деятельностью азербайджанского журналиста, писателя и переводчика Сайид Риза Ализаде, открывшего в 1906 г. в Самарканде новометодную школу и в 20–30 гг. подготовившего серию соответствующих учебников. Эту же благородную миссию выполнял и азербайджанский просветитель Мирза Мухаммад Ахун-заде.

Перечень фамилий летчиков, инженеров, учителей и врачей, представляющих за последние десятилетия азербайджанскую диаспору в Узбекистане, достаточно обширен. Может поэтому в беседах с бакинцами мы ограничились перечнем имен ее наиболее известных современных представителей — профессора-офтальмолога Кафар Абдуллаева, известного хирурга Садыка Масудова и главного дирижера Самаркандского оперного театра Гари Киримова.

Поэтому мы должны постоянно думать об эффективности своей работы, более тесно работать с другими общественными и государственными организациями. В этом плане огромное содействие могут оказать Советы по координации деятельности НКЦ на местах. Чтобы успешно решать задачи реализации политики межнационального согласия в процессе формирования гражданского общества, необходимо полнее использовать права, предоставленные общественным организациям законодательством страны. Более активной должна быть связь республиканских центров с региональными под-

разделениями, правлений с молодежными объединениями, созданными при Центрах.

Самое важное достижение нашей независимости — мир и согласие в стране. Сегодня весь многонациональный народ Узбекистана живет единой семьей. Вместе мы составляем великую созидающую силу, имеющую мощный вектор действия, направленный на строительство мирной, благополучной жизни. Наше единство и сплоченность — залог того, что никто не сможет свернуть нас с избранного пути, нарушить мир и спокойствие в нашем общем доме — Республике Узбекистан.

Сегодня в Узбекистане воспитание культуры толерантности, в том числе, межнациональной и религиозной, превратилось в одно из приоритетных направлений государственной политики. Как отмечал Президент нашей страны И.А. Каримов, развитие каждой страны, ее авторитет на международной арене в огромной степени зависят от того, насколько прочны мир, стабильность, межнациональное и гражданское согласие в этой стране. 15-летний путь независимого развития Узбекистана и достигнутые успехи подтверждают истинность этих слов.

*Minhojiddin MIRZO,
Respublika Ma'naviyat-targ'ibot
markazi rahbari*

VATAN BARCHAMIZ YChUN YAGONA QALBDIR

Ezgu, bunyodkor g'oyalarning kuchi nimada? Avvalo bu yaxshilik, yaratuvchanlik, totuvlik kabi inson qalbi va ongiga ijobiy ta'sir etadigan go'zal tuyg'ularning maqsadlar ila yo'g'rilganligidadir. Mohiyatan bunday insoniy da'vatlardan yiroq bo'lgan g'oyalarning davrlar osha yashab qolishi dargumon.

Milliy g'oya millati, tili, dinidan qat'i nazar, har bir yurtimiz fuqarosi, o'sib kelayotgan yosh avlod ongi, qalbida shu yurtga bo'lgan eng ezgu niyatlarni kamol toptirib, ularni Vatan ravnaqi, xalq farovonligi, yurt tinchligi yo'lida o'qib izlanishga, yaratishga undayotgani uning xalqimiz va jamiyatimiz ehtiyojlariga naqadar mosligini ko'rsatib turibdi.

Olam xilma-xil gullar va chechaklardan iborat, ajib bir gulzorni eslatadi. Gulzordagi har bir gulning chiroyi, o‘z o‘rni, ifori bo‘lgani kabi sayyoramizdagi har bir xalqning o‘ziga xos madaniyati, ma’naviyati go‘zal va betakror urf-odatlari, an’analari mavjud.

Har bir millat va elat yaratganning mo‘jizasidir. Bu mo‘jiza ahillik, odamiylik, mehr-muhabbat, elkadoshlik, bir-biriga yaxshilik, sog‘inish tuyg‘ularidan bahramandlik sezganda yanada yuksak va ulug‘vor ahamiyat kasb etadi. Inson olamni gulga ko‘mdi, betakror obidalar, ilmu urfon markazlarini yaratdi. Aql va zakovat nuri, ma’naviy-ruhiy ziyo orqali insonlik maqomini yuksakka ko‘tardi. Yaratuvchiga xos yaratuvchanlik, bunyodkorlik kabi ezguliklarga oshno bo‘ldi.

Lekin insoniyat tarixi shuni ko‘rsatib turibdiki, inson paydo bo‘lgan davrdan to hozirgacha hamisha ham ana shu go‘zallik qadr topmagan.

Ma‘rifat ziyosi porlagan davlatlarda bu go‘zallik e’zoz topgan bo‘lsa, jaholat hukmron joylarda toptalgan, barbod bo‘lgan.

Insoniyat tarixiga nazar tashlar ekanmiz, turli davrlarda, turli davlatlar, xalqlar, millatlar o‘rtasidagi nizoyu nifoqlar, adovatu nafrat alangalari qanday xunuk oqibatlarga olib kelganining guvohi bo‘lamiz.

Oriflar aytganidek: «Inson bu dunyoda jannatni ham, do‘zaxni ham o‘zi yaratadi». Dunyoning obodligi ham, vayronligi ham inson tufaylidir. Hech ikkilanmay aytish lozimki, mamlakatimiz hududida azal-azaldan diniy bag‘rikenglik, millatlararo totuvlik xalqimiz qalbidagi eng go‘zal fazilatlar qatoridan joy olgan. Bunga tarixdan juda ko‘p misollar keltirish mumkin.

Mustaqillik yillarida esa bu fazilat yanada yuksaldi. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan barqaror siyosat tufayli millatlararo munosabatlar yanada takomillashdi. Har bir millat va elatning rivojlanishi uchun huquqiy va tashkiliy asoslar yaratildi.

Yurtboshimiz ta’kidlaganidek, «Respublika aholisi o‘rtasida ko‘pchilikni tashkil qiladigan o‘zbek millatining muqaddas burchi ona tilini, o‘z milliy madaniyati va tarixini tiklashdangina iborat emas, balki birgalikda hayot kechiruvchi kam sonli xalqlarning taqdiri uchun, ularning o‘ziga xos madaniy-ma’naviy xususiyatlarini saqlab qolish

uchun, kamol topishi va o'zligini namoyon etishi uchun ularga teng sharoit va imkoniyatlar yaratib berish borasida mas'ul bo'lishdan ham iboratdir».

Ma'lumki, sayyoramizda o'zining betakror madaniy va ma'naviy qadriyatlariga ega bo'lgan 1600 dan ortiq etnik guruhlar yashaydi. Mustaqil O'zbekiston Respublikasida esa, o'zbeklar bilan bir qatorda o'z madaniyati va an'analariga ega bo'lgan 130 dan ziyod millat va elatlarning vakillari mamlakatning teng huquqli fuqarosi sifatida yashab, mehnat qilmoqda.

Millatlararo munosabatlarning bugungi holati, O'zbekistonning bu boradagi siyosati mohiyatidagi odillikni yanada teran idrok etish, anglash uchun yaqin o'tmishtga, sobiq ittifoqning turli millat va elatlarga nisbatan yuritgan siyosatiga nazar tashlab o'tmoq foydadan xoli bo'lmas. Aytib o'tganimizdek, milliy munosabatlarni tashkil etish, millatlararo munosabatlar borasida sobiq ittifoq yuritgan «insonparvar» siyosat nazariy jihatdan millat va elatlarni kamsitish, tahqirlash asosiga qurilganini hayotning o'zi ko'rsatdi. Sobiq totalitar davlat o'zining millatlararo siyosatini qanday amalga oshirganiga manbalarga murojaat qilgan holda bir-ikki misol keltirib o'tsak:

1937—38 yillarda Yzoq Sharqda yashaydigan 74500 koreys aholisi zo'ravonlik bilan majburiy ko'chirilib, O'zbekiston hududiga olib kelindi. So'ngra ming-minglab qalmiqlar, chechenlar, ingushlar, qrim tatarları, mesxeti turkları o'z ona Vatanlarından badarg'a qilinib, Markaziy Osi-yoga, jumladan, O'zbekistonga keltirildi. Garchi O'zbekistonning o'sha paytda ijtimoiy-iqtisodiy imkoniyati shunchalar ko'p aholini qabul qilish va joylashtirishga etarli bo'lmasa-da, xalqimiz ularga o'zining mehmondo'stligi, bag'rikengligini ko'rsatdi.

Xalqimiz Sharq ma'naviyatining eng yaxshi an'analariga amal qilib, Ikkinci jahon urushi davrida garchi o'zi nihoyatda qiyin ahvolda yashayotganiga qaramasdan o'z uyi, yaqinlaridan ayrilgan turli millatga mansub oilalarga yordam qo'lini cho'zdi. Xonodonidan joy berdi. Etim farzandlarni bag'riga oldi. Topgan bir burda nonini ular bilan birga baham ko'rди. Toshkentlik temirchi Shoahmad Shomahmudov va uning turmush o'rtog'i Bahri opa Akromovalar turli millatga mansub 14 bolani o'z oilalariga tarbiyaga oldilar. Kat-

taqo‘rg‘onlik Hamid Samadovlar oilasi 12 bolani asrab oldi. Yangiyo‘lda 9 ta jamoa xo‘jaligi ko‘chirib keltirilgan 169 bolani tarbiyalariga oldilar. Buxorolik Muazzam Jo‘rayeva va Ashurxo‘jayevalar o‘z bag‘irlariga 8 nafardan bola oldilar. 1943 yilning oxiriga kelib shaharlarda 4672 nafar, qishloqlarda esa 870 nafar turli millatga mansub etim bolalar o‘zbek oilalari tomonidan tarbiyaga olingan edi. Bunday misollarni yana ko‘plab keltirish mumkin.

O‘zbekiston o‘z mustaqilligiga erishganidan so‘ng mamlakatda millatlararo munosabatlar rivojining yangi bosqichi boshlandi.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1992 yil 13 yanvardagi qaroriga asosan Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etildi hamda milliy-madaniy markazlar faoliyatiga ham keng yo‘l ochib berildi.

Respublika baynalmilal madaniyat markazi o‘z atrofiga mamlakatdagi barcha millat va elatlar madaniy markazlarini birlashtirib, ularning tillari, urf-odatlari, qadriyatlari va marosimlarini rivojlantirishga qaratilgan qator ma’naviy-ma’rifiy tadbirdar tashkil etib kelmoqda.

YuNESKOning «Bag‘rikenglik tamoyillari Deklarasiyasi»da aytilganidek: «Bag‘rikenglik turli-tumanlikdagi birlikdir. Bag‘rikenglik tinchlikka erishishni musharraf qilguvchi va urush madaniyatsizligidan tinchlik madaniyatiga eltuvchi yo‘ldir».

Darhaqiqat, Deklarasiyada ta’kidlanganidek, bag‘rikenglik — turli-tumanlikdagi birlikdir. O‘zbekistonda ana shunday birlik qaror topdi. Dunyoning qator xalqaro tashkilotlarining Vatanimizda turli millatga, turli diniy e’tiqodga mansub fuqarolarning bir maqsad yo‘lida hamjihat, ahil-inoq bo‘lib yashashini go‘zal va noyob hodisa, deya e’tirof etayotganlari bejiz emas. Prezident Islom Karimov YuNESKO Ijroiya Kengashi sessiyasining Toshkentda bo‘lib o‘tgan 155-yakunlovchi Majlisi ishtiroychilari diqqatini aynan ana shu noyob tajribaga qaratgan edi:

«... Yaqin Sharqda o‘n yillar mobaynida turli millat va diniy qarash vakillari o‘rtasida murosasiz kurash to‘xtamayotgan, Bolqon, Shimoliy Irlandiya, Shimoliy Kavkaz va boshqa hududlarda etnik va diniy qarama-qarshilik mintaqaviy mojarolarning avj olishiga manba bo‘lib xizmat qilayotgan hozirgi zamonda... turli diniy

e'tiqod, konfessiyalarga mansub kishilarning tinch-totuv yashashidan iborat bo'lgan bizning tajribamizni millatlararo, diniy va etnik asosdagi turli-tuman ichki va mintaqaviy mojarolarni bartaraf etishda muvaffaqiyat bilan qo'llash mumkin».

Akrom ALIMOV,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markazi Kengashi raisi

BIR OILA FARZANDLARIDEK

Xalqimiz hayotida mehr-oqibat va muruvvat, saxiylik va mehribonlik, millatlar va dinlararo hurmat, mahalla, qishloq va shaharlarimizda amalga oshirilayotgan ezgu tadbirlarning xalqimiz, keksa va yoshlarning ong-tafakkuriga, iymoni, e'tiqodiga ko'rsatayotgan ijobji ta'sirini bugun har qadamda ko'rib, sezib turibmiz.

Zero, mamlakatimizdagi tinchlik va osoyishtalikni, ko'p millatli Vatanimizda qaror topgan do'stlik va totuvlik muhitini mustahkamlash, jamiyatimizda millati, dinidan qat'i nazar, barcha uchun teng sharoit yaratish davlatimiz Rahbari yuritayotgan siyosatning ustuvor yo'nalishlaridandir. Mamlakatimizda yashayotgan barcha millat va elat vakillarining madaniyati, tili, an'analari va urfatotlarini asrash hamda rivojlantirish masalalariga davlatimiz tomonidan qaratilayotgan ulkan e'tibor va g'amxo'rlik buning yana bir yorqin namunasidir.

O'sib kelayotgan yosh yigit-qizlarning dunyo madaniyatidan boxabar bo'lishida, millatlararo do'stlik, totuvlik rishtalarining mustahkam bog'lanishida «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakatining ham munosib o'rni bor.

Ko'p millatli mamlakatimizda istiqomat qilayotgan yoshlar o'rtasida millatlararo totuvlik, diniy bag'rikenglik muhitini mustahkamlashga xizmat qiladigan do'stlik festivallari, uchrashuvlar, ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar tashkil etish tizimli asosda yo'lga qo'yilmoqda.

Ayniqsa, yoshlarni muqaddas yurtimiz, ona Vatanimizga muhabbat va sadoqat ruhida, yurt manfaatlari himoyasida sobit tura oladigan ma'naviy etuk, fidoyi va kurashchan insonlar etib tarbiyalash, yon-atrofda ro'y berayotgan voqeа-hodisalarga daxldorlik va mas'uliyat

tuyg‘usini yuksaltirish va ezgu intilishlarni ro‘yobga chiqarishda «Kamolot» harakati ham qator ishlarni amalga oshirganki, ularni alohida ta’kidlash joiz.

Jumladan, yoshlarning bilim saviyasi, madaniyati va malakasini doimiy ravishda oshirish, xalqaro maydonga chiqish, xorijdagi tengdoshlari bilan aloqa bog‘lashda, ular bilan turli sohalarda muloqot va hamkorlik qilishga bo‘lgan istak va ehtiyojlari inobatga olinib, bu borada tegishli dastur va loyihalar ishlab chiqilib, hayotga tatbiq etilmoqda.

Shuningdek, harakat a’zolari tashabbusi bilan «Do’st bilan obod uying» deb nomlangan respublika festivali o’tkazildi. Ynda ishtirokchilar turli millatlarning urf-odatlari, madaniyatini targ‘ib qiluvchi sahna ko‘rinishlarini namoyish etdilar. Festival kunlari muzeylarga, madaniyat markazlariga sayohatlar uyushtirildi. Tadbirda faol qatnashgan yoshlar «Kamolot»ning esdalik sovg‘alari bilan taqdirlandi.

«Shu aziz vatan barchamizniki» shiori ostida mamlakatimizda istiqomat qilayotgan turli millatga mansub yoshlar ishtirokida do‘stlik festivallari, uchrashuvlar, ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar tashkil etilmoqda.

«Kamolot» harakati hamda Respublika baynalmilal madaniyat markazi hamkorligida o’tkazilgan mazkur tadbirlar yurtimizda istiqomat qilayotgan turli millat vakillari o’rtasida millatlararo totuvlik, diniy bag‘rikenglik muhitini mustahkamlashga muhim hissa bo‘lib qo‘sildi.

Harakat tomonidan o’tkazilgan tadbirlar orasida «Biz O‘zbekiston farzandlarimiz», «O‘zbekning g‘ururi tog‘lardan baland», «Biz hech kimdan kam emasmiz va hech qachon kam bo‘lmaymiz» mavzularida o’tkazilgan ijodiy ishlar tanloving alohida o‘rni bor. Mazkur tanlov yoshlарimizni Vatanimiz, xalqimiz, tarixiy-ma’naviy merosimizga hurmat va sadoqatli qilib tarbiyalash, millatlar o’rtasidagi do‘stlikni mustahkamlash, davlatimiz tomonidan yoshlarga yaratib berilgan imkoniyatlar, shart-sharoitlar va ulardan unumli foydalana olish mas’uliyatini yoshlar o’rtasida keng targ‘ib etish, yoshlarning dunyoqarashi va fikrlash doirasini kengaytirish, ijodiy faoliyati saviyasini oshirish orqali ma’naviy bar-kamol shaxs bo‘lib etishishlari hamda jamiyatda o‘z o‘rinlarini topishlarida ko‘maklashish, yoshlarni turli xil aqidaparastlik va zararli oqimlar ta’siridan asrash, iqtidorli, ijodkor yoshlarni rag‘batlantirish, qo’llab-quvvatlash hamda ularning o‘z aql-

zakovatini namoyon etishiga xizmat qildi. Ynda turli millat vakillarining ishtiroki uning qamrovi va dolzarbligini yanada oshirdi.

Tanlovda ishtirok etgan Arnasoy tumanidagi 3-maktab o‘quvchisi Jadiraniq Meyramovaning taassurotlari quyidagicha: «Kamolot» tashkil etgan insholar tanlovida o‘z ijodiy ishim bilan qatnashganimdan xursandligimning cheki yo‘q. Ynda biz Vatanimizga bo‘lgan muhabbatimizni o‘z tilimizda bayon qildik. Biz qaysi tilda gapirmaylik, O‘zbekiston farzandi ekanligimizdan faxrlanib yashaymiz. O‘zbekistonda hech kim bir-biriga begona emas. Har bir yosh, u qaysi millatdan bo‘lishidan qat‘i nazar, bir oilaning teng huquqli farzandlaridek, emin-erkin yashamoqda. Bugun qaysi sohani olib qaramang, yoshlар bir yoqadan bosh chiqarib, Vatanim deb, yurtim deb sidqidildan xizmat qilayotganini ko‘rishingiz mumkin. Yaratilayotgan imkoniyatlardan oqilona foydalanib, ular O‘zbekiston nomini dunyoga tanitishda o‘zining munosib hissasini qo‘sib kelmoqda.

Yaqinda Doxada bo‘lib o‘tgan Osiyo o‘yinlariga e’tibor qarataylik. Musobaqa maydonlarida yurtimiz bayrog‘ining baland hilpirashiga turli millat farzandlari birdek hissa qo‘shti. Yurtimiz madhiyasi yangraganda, ularning ko‘zlaridan sizgan sevinch yoshlарini ko‘rib, bar-chamiz birdek quvondik. Bular O‘zbekiston farzandlari, ular shu yurt zaminida tug‘ilib, shu havodan nafas olgan, kengliklarida yastanib yotgan purviqor tog‘lar bag‘ridan sizib chiqqan buloqlarning totli suvlaridan bahramand bo‘lib ulg‘aygan, degan tuyg‘ular faxru g‘ururimizni oshirdi.

«O‘zbekiston menga bor kuch va mahoratimni ko‘rsatish uchun katta imkoniyat yaratib berdi. Ochig‘i, menga mamlakatimizdagи do‘stona muhit, xalqlar orasidagi totuvlik juda yoqadi. Bizda har bir insonning o‘z o‘rnı bor. Men ko‘p hollarda vatandoshlarimning menga bo‘lgan hurmatini ko‘rib, boshim osmonga etadi. Millatlar orasida totuvlik, do‘stlik rishtasi ko‘p narsani hal qilib beradi. Aynan O‘zbekistonda buning yaqqol misolini ko‘rish mumkin. Sen mamlakating sharafini himoya qilyapsanmi, demak, sen keraksan. Aynan shu tamoyil mening sport hayotimda katta o‘rin tutadi. Inson kimgadir kerak bo‘lsa, uning faoliyati ham shunga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Shu sababli ham doim mamlakatimga zafar, g‘alaba bilan qaytishga intilaman. Men O‘zbekistondek mamlakat sharafini himoya qilayotganimdan mag‘rurlanib yashayman», — deydi sportning erkin kurash turi bo‘yicha Olimpiada championi, dunyoning tengsiz kurashchisi Artur Taymazov.

Vatan tanlanmaydi. Biz qayerda tug‘ilib o‘sib, shu erga mehr bersak, shu joy bizga Vatan sanaladi. qayerga bormaylik shu joyni qo‘msaymiz, shu erga talpinamiz. Issiqmi yo sovuq, baribir, Vatan muqaddas, uning har bir qarich tuprog‘i aziz va mukarramdir.

Yaqinda bir guruh yoshlarimizning faol vakillariga «O‘zbekiston belgisi» ko‘krak nishonini topshirishga bag‘ishlangan tadbirda xalqaro toifadagi sport ustasi Sergey Bogdanovning «Men O‘zbekistonda tug‘ilib o‘sganimdan faxrlanaman. Bunday jannatmakon yurtda tug‘ilish baxt» deya aytgan so‘zlaridan to‘lqinlanib ketdim. Shu mazmundagi samimiyl gaplar, albatta, har birimizning qulog‘imizga tez-tez chalinadi. Bu shunday bag‘rikeng mamlakatda yashashdan shukronalik desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Qolaversa, bu mamlakatimizda olib borilayotgan ezgu islohotlarga berilayotgan yuksak baholardan biri emasmi?

O‘tgan yillarda davomida turli sohalarda muvaffaqiyatlarni qo‘lga kiritib, mamlakatimiz shuhratini oshirgan va tengdoshlariga o‘rnak bo‘lgan yoshlar orasida turli millat vakillari bor. Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sohibasi Ekaterina Ablayeva, «Nihol» mukofoti sohibasi Anna Guzairova, «O‘zbekiston belgisi» ko‘krak nishoni sovrindorlari Evgeniy Mun, Elena Mogilena, O‘tkir Salyamov singari yoshlarning qo‘lga kiritgan yutuqlari yuksak e‘tiborga munosib topilgan.

Albatta, bular kabi yoshlarni sanab-sanog‘iga etish mushkul. Ylarni har bir jabhada, har bir tuman va qishlog‘imizda uchratishimiz mumkin. Bunday yoshlar «Kamolot» harakati safida ham fidoyiligi bilan ajralib turadi.

Mamlakatimizda yashayotgan turli millat vakillarini har tomonlama qo‘llab-quvvatlash ishida «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati va Respublika baynalmilal madaniyat markazi doimo hamkorlikda faoliyat yuritishadi. Zero, millatlar va dinlararo hurmat muhitini mustahkamlash davlatimiz siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biridir. Prezidentimiz ta‘kidlaganlaridek, har bir davlatning rivojlanishi, xalqaro maydondagi nufuzining oshishi ko‘p jihatdan o‘sha davlatdagи tinchlik, millatlararo va fuqarolar totuvligiga bog‘liq.

B. IRISOV,
*Namangan viloyati hokimi o'rinosbosari,
 viloyat Milliy-madaniy markazlar faoliyatini
 muvofiqlashtiruvchi Kengash raisi*

MILLATLARARO BAG'RIKENGLIK — РУХИЯТИМIZ HOSILASI

O'tgan yilning Navro'z kunlari edi. Mingbuloq tumanining Markaziy Farg'ona cho'llari bag'rida o'zlashtirilgan, bepoyon bog'-rog'lar, paxtazoru g'allazorlari bilan shuhrat topgan, obod va ravnaqli «Gigant» xo'jaligida esda qolarli tadbir bo'ldi. Primore o'lkasidan deportasiya qilingan koreyslarning boshini qovushtirib, xo'jalik tuzgan, taqir cho'lni gullatib, abadiy qumliklar o'rnida qishloq bunyod etgan va unga 25 yil mohirona rahbarlik qilgan hamda halol xizmatlari orqali Mehnat qahramoni darajasiga etgan Lim Men Gik tavalludining 100 yilligi nishonlandi.

Marosim u yog'i poytaxtdan, bu yog'i vodiy viloyatlaridan tashrif buyurgan mehmonlarni-da hayratga soldi. Yrush va mehnat faxriysi Sobirjon ota Badalov Lim Men Gikni ustozim, deb e'zozladi. Viloyat hokimi va boshqa safdoshlari qishloq xo'jaligi taraqqiyotidagi xizmatlarini ta'kidlab, izzat-ikrom ko'rsatishdi. Tantanada ishtirok etgan koreyscha kiyim-boshdag'i mehmonu mezbonlarni ko'rib bu joyda mazmunli va ta'sirli o'zbekona tantanaga guvoh bo'ldik, desam mubolag'a bo'lmaydi.

Yaqinda Namangan shahrida taqdir taqozosi bilan bospanasiz qolgan boshqa millatga mansub onaxonni mahalla faollari va jamoatchilik birgalikda boshpvana bilan ta'minlashdi. Bu yorug' dunyoda hech kimi qolmay, mahalladan, o'beklardan topgan himoya uchun onaxon juda minnatdor.

Bunday misollar o'zbeklarning naqadar bag'rikeng millat ekanini tasdiqlamaydimi?! O'ylab turib, bag'rikenglik millatning qon-qoniga singib ketganiga, bu tuyg'u, bu fazilat o'zbekning yurak-yuragidan joy olganiga ishonch hosil qilasiz.

Dunyo yaralibdiki, odamzot millati, dini, irqidan qati nazar, birgalikda yashab keladi. Qadim Turonzamin qardoshlarni ulug'lash, boshqa millat, denga mansub kishilar bilan ahil-inoq hayot kechirishning butun dunyoga tatigulik andozalarini yaratgan. Mehmonlar aziz sanalgan, o'zga yurt, o'zga millat vakili musofir degan sharaflı

maqomda tutilgan. Bu me'yorlar axloh-odob mezoniga ko'tarilganki, boshqacha bo'lishini hatto tasavvur ham eta olmaysan kishi.

Prezidentimiz Islom Karimov rahnamoligida mustaqillik yillarda xalqimizga xos bag'rikenglikning o'ziga mos chuqur ildizlari, boy va o'lmas mazmun mohiyati yanada keng va yaqqol namoyon bo'lmoqda. Mamlakatimiz Asosiy qonunida davlat yurtimizda istiqomat qiluvchi «barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlari va an'analari hurmat qilinishini ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi», — deb belgilab qo'yilgan.

Bugungi kunda, jumladan viloyatimizda 89 millat va elat vakillari ahil-inoq, bahamjihat istiqomat qilmoqdalar. Rus, qirg'iz, yahudiy va koreys milliy-madaniy markazlari faoliyat ko'rsatib turibdi. Etnik qadriyatlarni saqlab qolish, rivojlantirish, targ'ib qilish, millatlararo totuvlikni yanada mustahkamlash ular faoliyatining o'zagini tashkil etmoqda. Namangan shahridagi muhtasham binolardan biri markazlar ixtiyoriga doimiy foydalanishga berilgan. «Do'stlik uyi» nomi bilan ataluvchi ushbu maskanda milliy urf-odatlar, an'analar va marosimlarni o'tkazish uchun etarli sharoitlar muhayyo. Birgina koreys milliy-madaniy markazi shu yil davomida o'ttizga yaqin tadbir o'tkazdi. «Navro'z» tantanalari, Mingbuloq tumani madaniyat va istirohat bog'ida hamda Yichi tumanidagi sport majmuasida o'tkazilgan «Qudratimiz — birlik va hamjihatlikda» do'stlik festivali, viloyat Madaniyat saroyida tashkil qilingan yosh ijrochilarining «Ymidli ovozlar» tanlovi ko'pchilikka zavq-shavq bag'ishladi. Bunday diqqatga sazovor va mazmunli tadbirlar qirg'iz, rus, yahudiy milliy-madaniy markazlari faoliyatida ham muhim o'rinni egallaydi.

Mustaqillik bayrami arafasida To'raqo'rg'on tumanining Birlashgan, Sharq va Yolixon mahallalarida istiqomat qilayotgan o'zbek, tojik va qirg'iz millati vakillari o'zaro hamjihatlikda o'tkazgan yor-yoru laparlar, allalar, xalq o'ynlari, milliy taomlar bo'yicha tanlov uch birodar xalq yaqinligini amalda namoyon etdi.

Bag'rikenglik millatimiz ruhiyatini o'zida mujassam etgan fazilat, davlatimiz siyosatida namoyon bo'layotgan amaliyot ekanini viloyatda «Blagaya vest» koreyslar cherkovi, Evangel xristian baptistlar hamda «Arxangel Mixail» ibodat uylari faoliyat ko'rsatayotganida ham ko'rish mumkin.

Inson qaysi millatga mansub bo‘lmasin, u albatta farzandi haqida qayg‘uradi, iqboli va kamolini o‘ylaydi. Respublikamiz hukumati milliy siyosatining mazkur jihatiga ham ustuvor e’tibor bilan qaraydi. Birgina bizning viloyatda 9 ta rus, 22 ta o‘zbek-rus, 6 ta tojik, 22 ta o‘zbek-tojik, 4 ta qirg‘iz, 4 ta o‘zbek-qirg‘iz tilida o‘qitiladigan maktablar mavjud. Milliy maktablar o‘quv jihozlari, darsliklar bilan etarli ta’minlanganki, mazkur bilim dargohlari muallimlari va ularning shogirdlari respublika miqyosidagi tanlovlarda ham muvaffaqiyatli qatnashmoqdalar.

Albatta yurtimiz obodligi, ijtimoiy-iqtisodiy yuksalishida O‘zbekistonda yashayotgan barcha millatlar va elatlar vakillarining munosib ulushi bor. Hozirga qadar 20dan ortiq millat vakillari «Do‘slik», «Sog‘lom avlod uchun» kabi ordenlar va boshqa faxriy unvonlar bilan taqdirlangani esa bunday faoliyatning respublikamiz Rahbariyati tomonidan e’tirof etilayotganidan dalolat beradi.

Millatlararo totuvlik va bag‘rikenglikni yanada mustahkamlash, milliy istiqlol g‘oyasining mazmun-mohiyatini turli millatlarga mansub aholi o‘rtasida keng targ‘ib va tashviq qilishga qaratilgan turkum ko‘rsatuv va maqolalar viloyat televideniyesi hamda «Namangan haqiqati», «Namanganskaya pravda» va «Ekspress-Info» gazetalari orqali keng jamoatchilik hamda aholi e’tiboriga muntazam havola etilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006 yil 25 avgustdagи «Milliy g‘oya targ‘iboti va ma’naviy-ma’rifiy ishlар samaradorligini oshirish to‘g‘risida»gi Qarori oldimizga keng ko‘lamdagi vazifalarni qo‘ydi.

Shundan kelib chiqib, turli millat va elatlar vakillari o‘rtasida targ‘ibot-tashviqot ishlarining samarasи va ta’sirchanligini oshirish, millatlararo totuvlikni mustahkamlash bo‘yicha aniq va tizimli ma’rifiy dasturlar asosida ish yuritish, boshqa viloyatlardagi milliy-madaniy markazlar bilan mustahkam aloqalar o‘rnatish, ularning ilg‘or tajribalaridan foydalanishga alohida e’tibor qaratmoqdamiz.

Bularning barchasi jannatmakon O‘zbekistonda oqilona milliy siyosat o‘z samarasini berayotganlini namoyish etadi.

Х.А. КЕТМОНОВ,
заместитель хокима Андижанской области,
председатель областного Совета
по координации деятельности
национально-культурных центров

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ПЛАНЫ СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАЦИОНАЛЬ- КУЛЬТУРНЫХ ЦЕНТРОВ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

В статье 18 Основного Закона страны закреплен один из основополагающих принципов, обеспечивающий межнациональное согласие и толерантность в обществе. А именно «Все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения».

Сегодня многие признают, что добиться межнационального согласия в стране, где, включая узбеков, каракалпаков, проживают представители 136 наций и народностей, удалось во многом благодаря уважительному отношению к правам национальных меньшинств, возрождению их языка, народных традиций и обычаяев, созданию необходимых условий для сохранения их самобытности, свободного и гармоничного развития.

На основе этих принципов созданы и развиваются в Андижанской области национальные культурные центры.

На сегодняшний день в Андижанской области проживают представители более 100 наций и народностей единой и дружной семьей.

В области созданы все условия для изучения и развития родного языка, национальных традиций, обычаяев.

В частности, на сегодняшний день на национальных языках успешно функционируют детские дошкольные и образовательные учреждения.

В области действуют русский, корейский, кыргызский, уйгурский и армянский культурные центры.

Нами, совместно с национальными культурными центрами, проведен ряд мероприятий по укреплению межнационального согласия и дружбы. В частности, 1–10 января 2006 г. русским, армянским, уйгурским, корейским и кыргызским центрами на Площади Конституции было организовано новогоднее представление для детей.

В области проведены фестивали дружбы «Наша сила в единстве и сплоченности». Они состоялись в местах компактного проживания национальных меньшинств — в Бозском районе — корейского, в Пахтаабадском районе — уйгурского, в Джалалкудукском районе — кыргызского, в городе Андижане — русского и армянского культурных центров.

10 августа 2006 г. в детском парке областного центра проведен фестиваль дружбы под девизом «Родина — едина, Родина — одна». В этом красочном фестивале участвовали более 1500 человек, представителей разных национальностей.

Эти фестивали явились заметным событием в культурной жизни области. В фестивальных программах участвовали фольклорные, самодеятельные ансамбли, представившие песни и танцы народов Узбекистана. Они наглядно показали высокую степень взаимопроникновения и взаимообогащения культур, обнаружили неподдельную симпатию и уважение людей различной национальности к истории, культуре и национальным традициям друг друга. Фестивали стали настоящим проявлением духовной близости и родства граждан, населяющих наш общий дом — Узбекистан, подтвердили правильность политики руководства республики, направленной на обеспечение равноправного и свободного развития представителей всех наций и народностей, живущих в республике.

В связи с 15-ой годовщиной Независимости Республики Узбекистан культурные центры провели торжественные собрания. При содействии хокимията области 60 малообеспеченным семьям — представителям диаспор — была оказана материальная помощь. Такая же помощь была оказана и по случаю Международного дня инвалидов. Во дворце торжеств «Орзу» города Андижана для них состоялся прием, на который были приглашены более 250 инвалидов. Гостям вручены ценные подарки.

10 октября 2006 г. по инициативе корейского центра проведен праздник урожая «Чусок».

Впервые в истории Андижана выпущен сборник стихов русскоязычных поэтов «На земле Бабура», ставший заметным событием в культурной жизни области и республики. В сборник вошли произведения представителей разных национальностей: русских, евреев и других.

По инициативе областных культурных центров проводится большая работа по освещению в средствах массовой информ-

мации их деятельности и пропаганде межнациональной дружбы, сохранению языка, национальных и культурных традиций. Часто готовятся материалы и на тему межконфессиональных отношений.

В ближайшее время еженедельно будет вестись передача по областному телевидению, рассказывающая о деятельности культурных центров.

Интернациональные культурно-массовые мероприятия, проведенные накануне 15-й годовщины независимости, показали их большую действенность и популярность. Исходя из этого, мы продолжим организацию таких фестивалей дружбы.

Свобода, мир, дружба, межнациональное согласие, счастье — эти слова обрели подлинный смысл именно в годы независимости, став основой нашей жизни и наших помыслов.

Суть этих нравственных ценностей отражена и в названиях каждого года. Они, по сложившейся в Узбекистане традиции, определяют приоритеты общества. «Год интересов человека», «Год семьи», «Год махалли», «Год доброты и милосердия», «Год здоровья», — в основе каждого из них мы видим воплощение благородных целей и устремлений, присущих менталитету нашего народа.

Глубоким по содержанию был и «Год благотворительства и медицинских работников». Он способствовал тому, что в ранг государственной политики были возведены забота о здоровье подрастающего поколения, об одиноких и престарелых, инвалидах и сиротах. В это благородное дело свой посильный вклад внесли представители многонационального населения Андижанской области.

Уверен, такие благородные дела мы продолжим и в 2007 году — в «Год социальной защиты».

S. SAMADOV,
*Navoiy viloyati hokimi o'rinnbosari,
 viloyat Milliy-madaniy markazlar
 faoliyatini muvofiqlashtiruvchi Kengash raisi*

DINIY BAG'RIKENGLIK – TARAQQIYOT OMILI

Millat ma'naviyatining ajralmas qismi bo'lgan din O'zbekiston mustaqilligi yillarida qonuniy asosda o'z qadr-qimmatiga ega bo'ldi. Ma'naviy merosimizda chuqur ildizga ega bo'lgan diniy qadriyatlar

xalq tafakkurining haqiqiy mevasi sifatida e'zozlandi. Insonning ruhiy, aqliy olamiga tarbiya va pokizalik, ezgulik va rahmdillik fazilatlarini olib kirishda muhim vosita hisoblangan diniy ong yaratuvchilik faoliyatimizda ko'mak berib, kelajakka hamisha umid va sabr-toqat bilan intilishga o'rgatmoqda. Prezidentimizning «Olloh qalbimizda, yuragimizda» degan so'zлari ana shu ishonchning namoyon bo'lishiadir.

Mustaqillik yillarda Vatanimizda vijdon erkinligi, dindorlarning haq-huquqlari, ayniqsa, millatlararo totuvlik masalalariga katta e'tibor berilishi, ma'naviy tiklanish jarayoni yangi bosqichga ko'tarilgani hayotiy haqiqatdir.

Yurtimiz aholisining ma'naviy qiyofasi nafaqat Sharq va G'arb sivilizasiyasiga mos umuminsoniy tamoyillar, islom, xristianlik va boshqa dinlarga e'tiqod, an'analar va urf-odatlar, rang-barang turmush tarzidan iborat ma'naviy mezonlarni o'zida aks ettiradi. Bunda hududimizda yashayotgan turli millat va elatlar vakillarining o'tmishi, buguni va kelajagi bilan bog'liq orzu-umidlari asrlar osha yonmayon yashash jarayonida shakllangan hamjihatlik, bag'rikenglik, qardoshlik tuyg'ulari uyg'unlashgan tarzda namoyon bo'ladi. O'zbekiston qadimdan barcha sohada bag'rikenglik namunasini ko'rsatib kela olgan yurt sifatida shuhrat qozongan.

Diyorimiz o'z erkini qo'lga kiritgach, bu borada yangi bosqicha ga, ya'ni yuksalishga erishdi. Jahonda o'z ovozi, o'z taraqqiyot yo'lini yangicha diniy bag'rikenglik asosida rivojlantirishga jazm qildi.

Rasmiy ma'lumotlarga ko'ra, respublikada 16 konfessiyaga mansub 2249 ta diniy tashkilot davlat ro'yxatidan o'tgan. Bu jarayon esa O'zbekistonda dunyoviylik bilan diniylik o'rtasida andoza sifatida qo'llash mumkin bo'lgan yangi nisbatning shakllanishi natijasida dinlararo bag'rikenglikni ta'minlashga xizmat qilmoqda.

Shu boisdan ham, mamlakatimiz diniy bag'rikenglik va dinlararo murosa borasida butun dunyoga namuna bo'lmoqda. Oddiy fuqarolardan tortib e'tiborli davlat arboblarigacha bu hurmatni alohida ta'kidlab kelmoqdalar. Viloyatimizda ham mustaqillik yillarda bu borada ibratl ishlar amalga oshirildi.

Rasmiy ro'yxatdan o'tgan qator milliy-madaniy markazlarning bag'rikenglik g'oyasini mustahkamlashdagi xizmati katta bo'lmoqda.

Ylar jumlasiga, rus, yahudiy, tatar-boshqird, koreys, turk va qoraqalpoq milliy-madanini markazlarini kiritish mumkin.

XXI asr boshida davlatlarning dunyoviy taraqqiyoti, demokratik o‘zgarishlar, diniy bag‘rikenglik jarayoniga aqidaparastlik, diniy ekstremizm, diniy murosasizlik, g‘arazli siyosiy maqsadlarga erishishda konfessional omildan foydalanish kabi illatlar salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bu harakat va g‘arazli oqimlarning nomlari va shiorlari turlichalbo‘li shiga qaramay maqsadlari bir — dindan niqob sifatida foydalanib, davlat siyosatiga aralashish, hokimiyatni qo‘lga kiritishdir.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, bugungi kunda ma’naviy va diniy jabhalarda kechayotgan murakkab jarayonda barcha millat va din vakillari bir-birlariga nisbatan hamjihatlik, bag‘rikenglik va o‘zaro hurmat tamoyillariga amal qilishlari doimiy barqarorlikning muhim omillaridan biridir.

**С.И. ГЕРАСИМОВА,
председатель Русского культурного
центра Узбекистана**

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СУВЕРЕНИТЕТ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ ИНСТИТУТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Суверенный независимый Узбекистан идет сегодня по пути построения демократического правового государства, в котором развитие демократических институтов гражданского общества играет большую роль.

За эти годы создано огромное количество неправительственных, некоммерческих общественных организаций в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О деятельности неправительственных, некоммерческих организаций».

Русский культурный центр (РКЦ) Узбекистана создан как общественная организация в 1994 году. Основными уставными целями и задачами являются бережное сохранение и развитие традиций, духовности, языка и культуры русского народа, развитие и укрепление межнациональных связей, взаимного сотрудничества и обогащения национальной культуры, создание условий для укрепления связей с нашей этнической Родиной — Россией в области гуманитарного, научного и культурного сотрудничества.

Лейтмотивом этой дружбы являются высказанные Президентом Узбекистана И.А. Каримовым слова: «Наши народы, наши страны давно связаны тысячами нитей, миллионами человеческих судеб. Никому не дано разорвать эти связи. Лидеры могут подталкивать эти процессы, могут пытаться тормозить их, но остановить не в силах никто».

Как живет русская диаспора? Она со всем народом переживает все изменения, происходящие в нашем обществе, потому что они — общие, как единая судьба народа Узбекистана.

От того, как строятся взаимоотношения представителей различных наций и народностей, и какое внимание проявляет к этому государство, зависит уважение к этой стране всех людей доброй воли. Сегодня Узбекистан — это государство, которое строит взаимоотношения представителей различных наций, населяющих его территорию, на принципах дружбы, мира, стабильности и взаимного уважения. Жителям Узбекистана издревле присуща толерантность, уважительное отношение к людям разных вероисповеданий, взглядов и традиций.

Республиканский интернациональный культурный центр — уникальная структура, объединяющая более 140 культурных центров различных наций и народностей, среди которых Русский культурный центр занимает свое достойное место. Главной своей задачей Русский культурный центр Узбекистана считает консолидацию русской диаспоры под своей эгидой. В рамках этой задачи мы направляем свои усилия на сохранение и развитие национальных традиций, поддержание национальной культуры, русского языка. Причем, мы не замыкаемся в осуществлении одних лишь культурно-просветительских и образовательных программ. РКЦ стремится содействовать и в решении социальных проблем, когда они возникают.

Хочется особо подчеркнуть то внимание и поддержку, которые мы ощущаем со стороны государственных властей на всех уровнях.

За более чем 10-летний период существования Русский культурный центр Узбекистана сложился в структурированную, многоуровневую, достаточно мобильную и эффективную общественную организацию со своими приоритетами и устойчивыми параметрами деятельности. Во всех областях организованы русские культурные центры, а также в боль-

шинстве городов Ташкентской области: Чирчике, Алмалыке, Янгиюле, Ангрене, Газалкенте, Чиназе; в Ташкенте городской центр объединяет русские культурные центры во всех районах города. На сегодняшний день наметилась тенденция, которая выражается в создании низовых, первичных организаций по инициативе махаллинских комитетов в основе своей интернациональных по контингенту.

Это говорит о возрастании интереса к деятельности общественной организации, к духовности русской культуры и русскому языку.

В 2006 году было создано отделение РКЦ в Чиназском районе Ташкентской области. Примечательно, что произошло это по инициативе муниципальных властей, которые в деятельности РКЦ видят важный фактор этнокультурного взаимодействия, и мы стараемся сохранить это доверие властей. В ряде регионов руководители наших отделений сами представлены во властных структурах, будучи избранными в областные и городские советы. Например, В.В. Дубков — председатель Русского культурного центра Сырдарьинской области избран депутатом в местный Кенгаш. Е.В. Резник — председатель Русского культурного центра города Янгиера также является депутатом. Повышению авторитета РКЦ способствует и то, что руководитель Русского культурного центра республики является сенатором Олий Мажлиса — Верхней палаты Парламента Узбекистана.

В системе общественных отношений современного Узбекистана Русский культурный центр занял свое важное место еще и потому, что он выполняет функции народной дипломатии, способствуя расширению и разнообразию контактов между Россией и Узбекистаном, жителями нашей страны, так или иначе тяготеющими к русской культуре.

Русский культурный центр Узбекистана работает в тесном контакте с Республиканским интернациональным культурным центром, другими национальными культурными центрами, с различными государственными структурами.

Важным направлением деятельности РКЦ является поддержка русского языка, культуры и образования. Сотни преподавателей русского языка и начальной школы ежегодно бывают в России на курсах повышения квалификации, тренингах, семинарах и других мероприятиях, организованных институтом открытого образования России.

Школьники Узбекистана являются активными участниками предметных олимпиад, проводимых в Российской Федерации, где они демонстрируют хорошие знания. Наша молодежь, живя в Узбекистане и считая Узбекистан своей Родиной, имеет возможность изучать историю своей этнической родины, ее традиции и обычай, сохраняя приверженность русской культуре. Так, по результатам исторических конкурсов для старшеклассников, проводимых Русским культурным центром, учащиеся ежегодно направляются по туристическим путевкам по историческим местам России. В последние годы такие поездки были организованы по городам «Золотого кольца России» и в Санкт-Петербург. Последние два года старшеклассники в летний период времени направляются на обучение и отдых в Омский педагогический университет, откуда выносят яркие неповторимые впечатления. В 2006 году сотни детей отдыхали в детских оздоровительных лагерях Ферганской долины.

Стало хорошей традицией проводить по всей республике благотворительные акции, в рамках которых организуется бесплатный ремонт техники для пенсионеров, выдача материальной помощи, вручение путевок в санатории, оснащение аудиоаппаратурой, компьютерной техникой детских домов, школ, домов престарелых и т.д. Проводятся конкурсы рисунков, молодежные фестивали, благотворительные концерты мастеров искусств Узбекистана и самодеятельных творческих коллективов Русского культурного центра.

В октябре 2006 года была проведена благотворительная акция «Дети-детям», где с триумфом выступил юношеский симфонический оркестр музыкальной школы имени Успенского.

В рамках гуманитарного сотрудничества систематически проводится большая работа с ветеранами войны и участниками трудового фронта, одинокими, больными пенсионерами, в домах престарелых. Ежегодно сотни ветеранов и нуждающихся получают материальную помощь, лекарственные препараты и путевки на отдых и оздоровление в санаториях Узбекистана. Подобная работа проводится систематически, в течение всего года. В этой связи РКЦ тесно сотрудничает с Советом Федерации профсоюзов Узбекистана.

Деятельность Русского культурного центра разнообразна и содержательна, но главное, что наша общественная организация состоялась и имеет большой потенциал в своем дальнейшем развитии.

Не случайно в своем поздравлении к 10-летию Русского культурного центра наш Президент И.А. Каримов подчеркнул: «Русский культурный центр является мостиком дружбы и сотрудничества между Узбекистаном и Россией».

М. НУРМАТОВА,
Республика байналмилал маданият
маркази директори ўринбосари,
фалсафа фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ – МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР

Кўп миллатли республикамизда ўзаро тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш, турли миллатга мансуб аҳолининг ўзига хос миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга шароит яратиш ва миллатлараро тотувликни тобора мустаҳкамлаб бориш ижтимоий-маънавий тараққиётимизнинг устувор йўналишларидан биридир.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий сиёсатининг асоси ва устувор йўналишлари Ўзбекистон Конституцияси қонунлари, шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг асалари ва нутқларида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Мустақил Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиди ва халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи бўлиб ҳисобланади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Республикаизда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуqlари олий қадрият ҳисобланади.

Асосий Қонунимизда, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишининг таъминланиши ҳамда уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши кафолатланганини ҳам алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳозирда республикамизда фаолият кўрсатаётган турли тиллардаги боғчалар, мактаблар ҳамда олийгоҳлардаги факультетлар юқоридаги фикрларимизнинг амалий ифодасидир. Бу

жиҳатдан турли тилларда қатор газета ва журналларнинг чоп этилаётгани, Ўзбекистон телевидениеси орқали мамлакатимизда истиқомат қилаётган миллатлар вакиллари тилларидаги кўрсатувларнинг мунтазам равишда намойиш этилиши ва турли тилларда эфирга тараалаётган маҳсус радиоэшиттиришларнинг ташкил этилиши айниқса эътиборлидир.

Ўзбекистон Президенти миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, яъни диний, миллий ва ирқий бағрикенглик фояларини кишилар онгига тобора чуқурроқ сингдириш сиёсатини олиб бормоқда.

«Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумжаҳон Декларацияси»да ва бошқа халқаро-хуқуқий ҳужжатларда мужассамлашган умумбашарий қоидалар ва тамойиллар Ўзбекистонда рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатлилиги ва миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиб бориши халқнинг маънавий юксалиши билан узвий боғлиқ равишда жамиятни янгилаш ва демократлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади ҳамда мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига қулай шароит ва имкон яратади.

Бу ўринда шунга алоҳида эътибор бериш зарурки, мамлакатга ном берган ўзбек халқи билан бу ерда истиқомат қилиб келаётган миллий озчиликни ташкил этадиган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар республикадаги ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Бу эса турли миллатга мансуб юргдошларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурматни янада мустаҳкамлаш, улардаги шу заминга бўлган меҳр-муҳаббат, яъни ватанпарварлик туйғуси ва фуқаролик масъулиятини тобора ривожлантириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатлилиги шу бугунги кунда табиий-ижтимоий омил бўлиб, бу омил Республика Президентининг демократик сиёсатида алоҳида ўрин тутади. Ана шу оқилона сиёсатнинг шарофати натижасида Ўзбекистон бугунги кунда собиқ иттифоқ таркибиға кирган республикалар орасида энг тинч ва осойишта бир мамлакат сифатида ривожланиб бормоқда.

Маълумки, инсон жисмидаги бирон-бир аъзо бўлмаса, у майиб ҳисобланади ва ана шу ками-кемтиги учун доимо ўқсик юради. Ўзини бенаво, камситилган ҳис этади. Худди шундай

инсон руҳини ҳам бутун тутиб турувчи ҳиссиётлар бўлади. Шулардан бири — миллий фурур, миллий ор-номус туйғусидир. Ўзининг ота-бобоси, аждодларининг шон-шавкатлари билан фаҳраниш туйғуси ҳар бир инсонинг руҳиятини синч бўлиб ушлаб туради. Шу туйғу ҳақоратланса, инсон руҳан сина бошлади.

Мустабид тузум даврида бошқа миллатлар қатори ўзбекларнинг ҳам азиз туйғулари камситилган, ҳақоратланган эди. Қуллик, қарамлик қамчиси ёрдамида уларнинг барчасини совет халқи деган бир қолипга киришга, яъни ўз тили, дини ва эътиқодларидан воз кечишга мажбур қилинар эди. Ёлғон шиорлар, ёлғон ваъдалар билан сиртдан ҳамма-ҳаммани гўёки бирликка, ҳамжиҳатликка чорлаган бўлиб, зимдан манқуртлик йўлига даъват қилинар эди.

Ўзбекистон ўз озодлигини қўлга киритгандан кейингина унинг бағридаги ҳар бир фуқаро ўз тили, дини ва эътиқодлари билан ўзини муайян бир миллат вакили, мустақил инсон сифатида тасаввур қила бошлади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда яшаб турган турли миллат ва элат вакиллари ана шу руҳий бутунликка ва айни чоғда умумий руҳий муштаракликка йўл очиб бергани учун ҳам давлатимизнинг миллий сиёсатини бир овоздан қўллаб-кувватламоқдалар ва эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдалар.

Эндиликда улар Ўзбекистон халқи деган муқаддас ном ичida ўзини, ўз мақсадларини, оиласини, фарзандлари келажагини ҳам аниқ тасаввур қила бошладилар.

«Мустақиллик ниҳоли кўкариши учун унга тинчлик, осойишталик, тотувлик, миллатлараро чидам ва бардош каби кучли илдизлар керак. Шунда у ҳар қандай шамол, довул, бўронларда эгилмайдиган бўлиб улгаяди. Зоро, миллат севгиси ва эъзози қадар улуғ мукофот йўқдур. Бу мукофотга сазовор бўлишнинг бирдан-бир йўли — ўзга дин, ўзга миллатни таҳқирламаслик. Бу фаровон, тўкин кун кечириш учун яккаю-ягона, тўғри, ақл-идрокли, иймон-эътиқодли йўлдир. Бу йўлда хато қилиш мустақилликни бой бериш билан баробардир». Мамлакатимиз Президентининг бу ҳикматли фикрлари миллий сиёсатимизнинг моҳиятини аниқ тавсифлайди.

Ҳа, сиёsat ижтимоий иқлим яратади. Қуёшли ёки булутли ҳаво, шамол, довул ёки дов-дараҳтни гуллатиб юборадиган баҳорий илиқлиқ табиатда акс этганидек, сиёсатдаги меҳр-

муҳаббат, адолат ва демократия тамойиллари ҳам одамлар қалбida, жамият ҳаётида акс-садо беради.

Маълумки, одамнинг ўз тили унинг ўз паноҳидир. Оддийгина бир мисолга мурожаат қилайлик, футбол ўйинига кирган тўптепар ўзининг уйида — ўз майдонида бемалол ўйнайди. Бу ерда унга ўзининг кучи, файрати, малакасидан ташқари, ўз тилида жаранглётган «Яша азамат, оғарин, кам бўлма!» деган сўзлар, яъни ўзи мансуб бўлган халқ вакилларининг хайқириги руҳан мадад бериб, қўллаб туради.

Бегона майдонларда эса аксинча, бегона сўзлар, бегона кўзлар ва бегона назарлар уни таъқиб қилиб туради. Бундай шароитда у ўзини эркин ҳис қиломайди, беихтиёр у нимадандир чўчиб, ҳадиксираб ўйнайди, кўпинча довдираб қолади ва хато қиласди, ҳаётда ҳам худди шундай. Инсон ўз атрофига меҳрли кўзлар, эҳтиромли нигоҳларни ҳис этиб тургандагина бемалол яшайди. Қалбida ташаббускорлик, бунёдкорлик туйгулари мавжланиб, ўқишига, меҳнатга, ижодга иштиёқ ўйонади. Юқорида келтирилган рақамлар ҳам ана шу кўп миллатли халқимиз руҳиятидаги ташаббускорлик ва иштиёқ дарражасини кўрсатувчи юксакликлардир.

Шу маънода ҳар кимнинг ўз она тили ўзи учун эрк, ўзига хос имкониятдир. Инсон ўз тилида сўзлашса, қўшиқ айтса унинг туйгулари янгиланади, қайта дунёга келгандай бўлади. Борлиқнинг гўзаллигини бутун жозибаси билан тўлароқ ҳис этади.

Ўзбекистоннинг миллий сиёсатида инсониятга хос бўлган ана шундай табиий қайфиятлар, табиий фазилатлар — инсон туйгуларининг янгиланиши ва юксалиши ўзининг тўлиқ ифодасини топгандир. Айни чоғда бу хусусиятлар мустақил давлатимиз миллий сиёсатини белгилаб берувчи муҳим ҳаётий омиллардан биридир.

Ҳозирда қатор олий ўқув юртларида қардош тилларда фаолият кўрсатаётган факультетлар ва бўлимлар, курслар ва мактаблар ана шу сиёсатнинг реал кўринишлари, амалий ифодаларидир. Бундай ҳол ансамблъ, театр ва бошқа шакллардаги бадиий-ижтимоий уюшмаларнинг фаолиятида ҳам яққол кўринади.

Албатта, ўз тилида ўқимаган одам миллатнинг тарихидан, руҳидан узилади. Қалбидаги хотираси билан боғлиқ муқаддас туйгулари озорланади. Натижада ўзи билиб-билмай дилининг туб-тубида қаршилик, исён ўсади. Ана шундай фо-

жиага олиб келмаслик, тинчлик ва осойишталикни сақлаш шу муқаддас заминни ўзига Ватан деб билган турли миллат ва элатга мансуб фуқароларни норозиликдан асраш, иҳота қилишдек катта вазифани бажаришда даврий матбуот ва нашрларнинг аҳамияти бекиёсдир. Айнан шу боисдан ҳам Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакилларига ўз тилида қуилаш, миллий санъатларини ривожлантириш, миллий йўналишдаги дасталар, гурухлар ташкил қилиш, ўз истеъодини намойиш қилиш учун кенг шароитлар яратиб берилган.

Юртимизда яшаб ижод қилаётган, ўз санъатини намоён этаётган фуқароларимиз ўз миллий маданиятларини ривожлантира бориши асносида ўзлари билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллат вакиллари маданияти ва санъатининг юксалишига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатмоқдалар.

